

Фаранг тилидан

*· Мұхаммаджон ХОЛБЕКОВ
· Раҳим ҚИЛИЧЕВ лар таржимаси*

САЪДИЙНИНГ ШЕРОЗ МАЛИКАСИГА БАФИШЛОВИ

Ҳижрий 837 иил шаввол
оийининг 1-куни

Сиз фаттон кўзлар соҳибаси, қалблар армони, ақл чироги эрурсиз!

Ҳоки пойингизни тавоғ қилолмасмен, боиси улким, сиз деярли юрмассиз, юрганда ҳам, эрон гиламлари ёхуд атир гуллар узра хиром айларсиз. Камина ўзларича қадимий бир донишмонд китобининг таржи- масин армуғон этмоқдадурмен.

Бу донишманд бекорчилик баҳтига мушарраф бўлгач, унга Задиг саргузаштларини қаламга олиш ва бундан лаззатланиш баҳти насиб этди: китобда, бизнинг назаримизда, айтилмоғи лозим бўлгандин фузунроқ айтилур. Уни мutoола қилмоғингиз ва ўз фикрингизни айтмоғингизни сўрайдурмен: сиз умр баҳори узра бўлмогингиздан, турмушнинг барча ҳуэр-ҳаловати ўзларининг хизматида эканлигидан, тароватингиз ва истеъодингиз гўзал ҳуснингизга янада ҳусн қўшмоғидан, эртаю кеч сизга мадҳ ўқимоқларидан, ушбу сабабларга биноан, ўзлари соғлом ақлга у қадар муҳтоҷ эмасликларидан қатъий назар, бағоят оқила ва нозиктаъб эрурсиз: ўзларининг узун соқолли ва қулоқли дарвишлардан зокийроқ. Фикр қилганларини ўз қулогим бирла эши-тибдурмен. Сиз ўзни лажомлай олурсиз, бироқ ўзгаларга инонмаслик сиз учун бегонадир, юмшоқ қалбли эрмас эрсангида, бозор эрурсиз, андиша ила бўлса-да, ўзгаларга яхшилик қилурсиз, дўстларни хуш кўрарсиз ва ғанимлар орттиргмагайсиз. Доно сўзларингиз сафрога муҳтоҷ эрмаслар, номақбул нарсаларни асло гапирмагайсиз ва қилмагайсиз, ваҳоланки, бу сиз учун жуда осон эрса-да. Мухтасар айласам, қаябингиз, гўзал ҳуснингиз янлиғ, каминага ҳамиша мусаффо кўринур.

Сиз учун, ҳатто, фалсафа бегона эрмас, бу эрса каминани донишманднинг ушбу рисоласи бошқа заифлардин кўра сизга мақбул бўлур, деб фикрлашга даъват этмоқда.

Ул рисола аввалига сиз ҳам, камина ҳам билмайдургон қадимий холдай битилиб эрди. Султони машҳур Улуғбек жанобларига мақбул бўлмоғи учун уни араб тилига таржима қилибдурлар. Бу ҳали араблар ва форслар минг бир кечада, минг бир кун ва шунга ўхшаш эртаклар ёза бошлаган замонларда бўлиб ўтган эрди. Улуғ кўпроқ ЗАДИГ ни хуш кўрар, аммо маликалар турли-туман минг бирларни афзал кўрар эрдилар. "Қай алфозда сиз номаъулчилик ва босмаънилиқдан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган латифалардин зафқ олурсиз",— дер уларга доно Улуғ. "Худди шу боисдан биз уларни ёқтирурмиз",— деб жавоб қилур маликалар.

Сиз уларга ўхшамассиз ва ҳаққий Улуғ бўлурсиз деган умид ила ўзимга тасалли берурмсан. Ва, ҳатто, умидворманки, турли минг бирларга ўхшаш, аммо улар каби завқли бўлмаган, одатий сұхбатлардан ҳориган чоғингизда, сиз бирла мулоҳазали сұхбат қурмоқ учун каминага қулай фурсат топиш насиб этгай. Сиз, мабодо, Файликус ўғли Искандар замонининг Фалестридаси ёҳуд Сулаймон давридаги Сава шоҳбуноси бўлғонингизда эрди, ул ҳукмрдорлар сизга таъзим бажо айламоқ учун ҳузурингизга ташриф буюргон бўлур эрдилар.

Шоду хуррамлигингиши ниҳоясиз, бахтингиз сарҳадсиз бўлмогин, ҳусни-тароватингиз сўлим билмаслигин парвардигори оламдин илтижо қилурмсан.

САҶДИЙ

БИР КЎЗ

Бобилда Моабдар подшолиги даврида Задиг исмли бир киши яшарди; унинг табий мойилликлари тарбия туфайли янада камол топди.

Бадавлат ва ёш бўлишига қарамасдан, у ўз ҳиссиятларини жиловладай олар, ҳеч нарсага даъво қилмас, ўзини ҳаммавақт ҳақ деб ҳисобламасди, ўзгаларнинг заифлигини ҳурмат қиласди. Шунчалик ақли билан у ҳеч қачон бирорларнинг бескорчи, пойма-пой ва шовқинли сафсатаси, қўйпол фисқи-фасоди, кўр-кўрони фикр-

лари, бемаъни майнавозчилиги, Бобилда "сүхбат" деб аталувчи қуруқ эзмалиги устидан кулмаслигини кўриб ҳамма ҳайратланарди. Зардусттнинг биринчи китобидан шу нарсани билдики, иззатталаблик ҳаво тўлдирилган шар бўлиб, агар бу шарни ёрсалар, ундан довул чиқар экан. Задиг ҳеч қачон аёлларга бўлган нафрати ёки улар устидан қозонган осонгина ғалабаси билан мақтансади. У олижаноб киши эди ва кўрнамакларга хизмат қилишдан қўрқмасди, чунки ўша Зардусттнинг "Овқат сканингда итларга ҳам бер, гарчи сўнгра сени қопсалар ҳам" деган улуг ақидасига амал қиласди. У бир инсон қанча ақлли бўлиши мумкин бўлса, шунча ақлли эди, чунки ақллилар орасида ҳаракат қиласди. Қадимги холдайлар илмини ғаллагач, табиаттнинг физикавий қонунарни ўша вақтда қанча билиш мумкин бўлса, ўша даражада билди ва метафизикани барча замонлар давомида қанча тушунишган бўлса, шунча, яъни жуда оз, тушунарди.

Ўз даврининг янги фалсафасига зид ҳолда, йилнинг уч юз олтмиш беш кун ва чоракдан иборатлигига ва қуёшининг оламнииг маркази эканлигига қаттиқ ишонарди. Бош сеҳрарлар ҳақоратомуз такаббурлик билан уни байдирият киши деб аташар ва фақат давлаттнинг душманигина қуёш ўз атрофида айланади, йил эса ўн иккиси ойдан иборат, деб ўйлади, дейишарди.

Задиг ичидагини сиртига чиқармай, сукут сақларди.

Катта бойликларга, бинобарин, кўплаб дўстларга ҳам эга бўлган, соғлом, ҳушсурат, ёрқин ақл соҳиби, олижаноб ва соғдил Задиг ҳастдан баҳтини топишга қаттиқ ишонарди. У ўз чироий, насл-насаби ва бойлиги билан Бобилда биринчи ҳисобланган Замирага уйланищи керак эди. Задиг унга кучли ва нозик ҳиссиётлар билан боғланган, қиз эса уни чинакамига севар эди. Улар орзиқиб кутаётган саодатли кун яқин эди. Бир куни, Бобил дарвозалари олдида, Ефрат соҳилларини брезаб турган пальмалар остида айланаб юрганларида, қилич ва найзалар билан қуролланган кишиларнинг ўзлари томон келаётганларини кўриб қолдилар. Булар вазирлардан бирининг жияни ёш Орканнинг ясовуллари эди. Вазирнинг хушомадгўйлари унга сенга ҳамма нарса мумкин, деб уқдиришганди. Унда Задигнинг саховати, обрў-эътибори бўлмаса-да, ўзини ҳаммадан устун қўяр. Замиранинг ўз рақибига ихлосини кўриб, жунбушга

келарди. Ўзига бино қўйиш оқибатида пайдо бўлган бу рашк таъсирида гўё чексиз севаётгандек тасавур қиласди. У қизни ўғирлашга қарор қилганди. Унинг шериклари Замирани тутиб олдилар. Тўс-тўполон бошланди. Бир нигоҳи билан Имамус тоғлари йўлбарсларини ҳам юмшатиши мумкин бўлган қизнинг қонини тўкишди. Замира фарёд қилиб дод солди:

— Севимли ёрим! Мени сендан жуда қилмоқчилар!

У ўзидан кўра кўпроқ қадрдон Задигидан ҳавотирланарди. Задиг бу пайтда севгилисини мардона ҳимоя қилмоқда эди. Иккита қушнинг ёрдамида у Орканнинг шерикларини қувиб юборди ва қонга беланганд Замирани уйига олиб борди, қиз ҳушига келгач, ҳалоскорини кўрди ва унга қараб:

— Эй, Задиг! Мен сизни бўлажак умр йўлдошим сифатида севардим, энди эса, сизни номусим ва ҳаётимнинг ҳалоскори сифатида яхши кўраман.

Ҳеч қачон Замиранинг қалбидек миннатдор қалб бўлмаган, ҳеч қачон булардан ҳам мафтункор лаблар бундай ҳаяжонли ҳиссистларни изҳор этмаган. Бу сўзлар эзгуликнинг энг улуғи ва қонуний муҳаббатнинг энг нозик жўшқилиги айтилган миннатдорчилик сўзлари эди. Қизнинг жароҳати енгил эди, у тезда тузалиб кетди. Задигнинг жароҳати кавфлироқ эди: найза кўзининг яқинига теккан ва чуқур яра пайдо бўлганди. Замира худодан севгилисининг тезроқ соғайишини тиларди, Задигнинг кўзлари унинг нигоҳларидан завқлана оладиган дақиқаларни кутарди. Лекин жароҳатланган кўздаги яра жиддий ҳавотир тугдираарди. Мемфистга ҳам одам юборишиди, буюк ҳаким Гермесни кўп сонли шогирдлари билан олиб келишди. У беморни кўздан кесира туриб:

— Агар ўнг кўз бўлганда эди,— деди у,— уни даволаган бўлардим, лекин чап кўзининг жароҳати бедаводир,— Гермес Задигнинг қачон ва қай пайтда кўзидая жудо бўлишини аниқ айтиб берди.

Бутун Бобил Задигнинг тақдирига ачинди ва билимдон Гермесга қойил қолди. Икки кундан кейин йиринг ёрилди ва Задиг соғайиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетди. Гермес китоб ёзди ва унда Задигнинг касалликдан фориғ бўлмаслигини исботлади. Задиг уни ўқимади ҳам: кўчага чиқадиган бўлгач, у ўзини баҳтиёр қилишга умид боғлаган қизникига ташриф буюришга тайёргарлик

күрди. Фақатгина шу қыз учун у күзларини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Замира уч кундан бүён қишлоқда эди. Задиг йүлда бораётіб, унинг бир күзліларга тоқатим ійүқ, деб жирканиб гапирганини ва ўша куниёқ Орканга турмушга чиққанлигини эшилди. Совуқ хабарни эшилди, у ҳушдан кетди ва узоқ вақт касал ётди. Күнлар ўтиб, ақл айрилиқ дардидан устун келди, ҳатто изтироблар уни юпатишга хизмат қилди.

— Шу нарсаны англадимки,— деди Задиг,— саройда тарбия топған қызы бетайиіл бұларкан, мен оддий фуқаро қызынга үйланишым керак". У энг ақлли ва шаҳарнинг энг яхши оиласидан чиққан Азорани тәнләди, унга үйланди ва бир ой давомида у билан ишқий лаззатлар оғушида яшади. Фақат у хотинининг оз-моз енгилтаклигини ва ёқимтой йигитларга хушторроқ эканини сезди.

БУРУН

Бир куни Азора сайдан ғазабланиб, бақириб-чақириб келди.

— Нима гап ўзи, азиз рафиқам?— деди Задиг.— Ким сизни бунчалик аччиғанғизни чиқарди?

— Мен ҳозиргина гувохи бўлган нарсаны кўрганингизда, сиз ҳам менинг ҳолимга тушган бўлардингиз. Мен ёш тул хотин Козруни юпатишга боргандим: у бундан икки кун олдин яйлов ёнидан оқиб ўтадиган жилға бўйига ўзининг ёш умр йўлдошини дағи қилған эди. Гам-ғуссада қолган Козру жилғанинг суви қуrimагунча бу қабр олдидан жилмасликка худоларга ваъда берган эди.

— Хўш, нима бўпти?!— деди Задиг.— У ўз эрини қаттиқ севадиган, ҳурматга лойиқ экан-ку!

— Э!,— эътиroz билдириди Азора.— Мен унинг олдига борганимда, нима қилаётганини билсангиз эди!

— Нима билан машғул экан?

— У жилғани бошқа ёққа бураётган экан.

Азора ёш бева шаънига кўп таъна — маломатлар ёғдиргани, уни ёмонлагани учун унга матьқул бўлмади.

Азора Задигнинг Кадор исмли дўстини фазилатли ва ҳурматга лойиқ йигитлар тоифасидан деб биларди. Унинг содиқлигига ишонч ҳосил қилгач, Задиг уни ўзининг ишончли кишиси қилиб тайинлади. Азора, қиши-

лоқда дугоналаридан бириникида икки кун меҳмон бўлгач, учинчи кун уйига қайтиб келди. Хизматкорлар кўз ёшлари қилиб, эрпинг ўтган кечадан вафот этганлиги, Азорага бу машъум хабарни айтишга журъат қила олмаганликлари ва Задигни боғнинг тўридаги отасининг хилхонасига дафи этганларини айтишиди. У йиғлади, соchlарини юлди ва ўлишга аҳд қилди. Кечқурун Кадор уникига киришга ижозат сўради ва улар биргалиқда кўз ёш тўкишиди. Эртасига улар озроқ йиғлашди ва бирга овқатланишиди. Кадор дўсти ўз бойлигининг катта бир қисмини унга васият қилиб қолдирганлигини Азорага маълум қилди ва ўз мулкини у билан бўлиш ўзи учи катта баҳт эканлигига ишора қилди. Ҳоним кўз ёшлари тўқди, аччиқланди, юмшади; кечки овқат тушилкка нисбатан узоқроқ чўзилди, анча очиқроқ гаплашишиди: Азора марҳумни мақтади, лекин унинг нуқсонлари ҳам бўлганлиги ва Кадорда бу нуқсонларнинг йўқлигини тан олди.

Овқатнинг ўрталарида Кадор талогининг қаттиқ оғриёттанлигидан шикоят қилиб қолди. Бундан ташвишланган ва ҳовлиқдан ҳоним ўзининг атир-упаларини олиб келишини буюрди, улардан биронтаси дардни пасайтирадими деган умидда эди. Азора буюк Гермеснинг Бобилда эмаслигидан жуда афсусланди ва ҳатто унинг қаттиқ оғриётган жойини қўли билан ушлаб ҳам кўрди.

— Сиз бу оғир касалликка мубтало бўлганмисиз? — сўради у ачиниб.

— Бу касаллик неча марта мени гўр ёқасига олиб борди,— деб жавоб берди унга Кадор.— Дардимнинг фақатгина бир давоси бор. Оғриётган жойимга кеча ўлган кишининг бурнини қўйиш керак.

— Жуда гаройиб даво экан-ку!— деди Азора..

— Мақтани даволайдиган жаноб Арнунинг халтасидан гаройиброқ эмас-ку,— жавоб берди Кадор.

Ёш йигитнинг фавқулодда яхши фазилатлари билан қўшилишиб кетган далил-исботлари ҳонимни бир ҳарорга келишта мажбур қилди.

“Қил қўприкдан ўтаётганда, Азроил эримни бурнинг калта экан, деб тўхтатмаса керак”,— ўйлади у.

Устарани олиб эрининг қабрига борди. Задигнинг бурнини кесиш учун энгашди: у тобутда узунасига чўзилиб ётарди. Задиг қўли билан устарани четга итариб, ўрнидан турди.

— Хоним,— деди унга,— ёш Козруни кўп уришманг: менинг бурнимни кесмоқчи бўлганлигинги жилғанинг сувини бошқа ёққа буришдан ҳеч ҳам афзал эмас.

ИТ ВА ОТ

Задиг Зенд китобида ёзилганидек, уйланишининг биринчи асал ойи, иккинчи ойи эрман ойи эканлигига ишонч ҳосил қилди. Энди Азора билан яшаши мумкин эмасди, шунинг учун ҳам у билан ажралишта мажбур бўлди ва ўз бахтини табиатни ўрганишдан қидирди.

“Оллоҳ биз учун нозил қилган буюк китобни ёд билгувчи файласуфдан баҳтлироқ киши йўқ”, — деб такрорлади Задиг. У ўзи топган ҳақиқат нуридан баҳраманд бўлади, руҳини озиқлаптиради ва уни юксакликларга кўтаради: ҳаёти осуда, одамлардан қўрқмайди ва меҳрибон хотини ҳам унинг бурнини кесишга чоғланмайди.

Шу хаёллар оғушида, Задиг Ефрат бўйидаги қишлоққа келди.

У ерда Задиг кўпроқ равоги остидан бир сонияда неча дюйм сув ўтишини ёки бўлмаса, сичқон йилида қўй йилидагига қараганда бир куб линия кўп ёмғир ёгишини ўрганиши билан машғул бўлмади. У ўргимчак уясидан шойи ясашни ёки синган шишалардан чинни қилишни ҳам ўйламади, аммо асосан, ҳайвонот ва ўсимликларнинг хоссаларини ўрганди ва тез орада бошқалар бир хилликни кўрган жойда у минглаб фарқларни топа олиш малакасига эга бўлди.

Бир куни у бир ўрмон четида сайр қилиб юрар экан, маликанинг ҳарам оғасини кўриб қолди. Уни бир нечта сарой хизматкорлари кузатиб келаётган эди. Улар жуда қимматбаҳо нарсани йўқотган кишилардек ҳаяжонда эдилар, тўрт томонга зир югуришарди.

— Яхши йигит,— деди унга ҳарам оғалардан бири,— маликанинг итини кўрмадингизми?

— Ит эмас, урғочи денг,— деди Задиг камтарлик билан.

— Шундай,— деди ҳарам оғаси.

— Кичкина лайча,— қўшимча қилди Задиг,— у яқиндагина болалаган, олдинги чап оёғи оқсайди, қулоқлари жуда узун.

— Демак, сиз уни кўргансиз??

— Йўқ,— жавоб берди Задиг,— мен ҳеч қачон уни кўрган эмасман ва ҳатто маликанинг ити борлигини ҳам билмасдим.

Худди шу лаҳзаларда Бобил яйловидаги подшоҳ отларининг энг чиройлиси отбоқарнинг қўлидан чиқиб, қочиб кетганди. Бош отбоқар ва бошқа сарой хизматкорларининг ховлиқиши маликанинг итини қидираётган ҳарам оғасининг ховлиқишидан кам эмасди. Бош отбоқар Задигдан "Подшоҳ отини кўрмадингизми?" деб сўради.

— Йўрга от эдими?— сўради Задиг.— Бўйи беш фут, туёғлари анча кичик, думининг узунилиги уч ярим фут, сувлиғининг тўқаси йигирма уч қиротли олтиндандан, тақалари ўн бир динорли кумушдан-а?!

— Қаёққа кетди? Қайси йўл билан?— сўради отбоқарлар бошлиғи.

— Мен уни кўрганим йўқ,— жавоб берди Задиг,— ҳатто, у ҳақда эшитган ҳам эмасман.

Бош отбоқар ва ҳарам оғаси Задигни подшонинг оти билан маликанинг итини ўғирлаганликда айблаб, уни Десст рҳам мажлисига зўрлаб олиб келишди; мажлис уни қамчи билан савалашга ва умр бўйи Сибирга сургун қилишга ҳукм қилди. Ҳукм Эълон қилинаётган пайтда от билан ит топилгани маълум бўлди. Ҳакамлар ҳукмни қайта кўриб чиқишини ўзларига ор билганликлари туфайли кўрган нарсасини кўрмадим дегани учун Задигдан тўрт юз унция олтин ундирилсин, дея ҳукм чиқардилар. Задиг жаримани тўлагач, буюк Дестерхам мажлиси ўзини оқлашга ижозат берди.

— Адолат юлдузлари, ақли расолар ҳақиқат ойналари!— хитоб билан деди у. — Сизларда қўроғшин вазминлиги, темир қаттиқлиги, олмос ялтироқлиги билан олтинга ўҳшашлиги бор. Менга буюк мажлис олдида гапиришга ижозат берилган экан, Оросмад номи билан қасам ичиб айтаманки, мен маликамизнинг итларини ҳам, подшолар подшосининг табаррук отларини ҳам ҳеч қачон кўрган эмасман. Воқса мана бундай бўлган эди: ўрмон четида айланиб юрганимда, муҳтарам ҳарам оғаси ва ниҳоятда машҳур бош отбоқарни учратдим. Мен қум устидаги жонивор изларини кўргандим ва уларнинг кичкина бир итнинг излари эканлигини осонгина пайқагандим, шунингдек, итнинг оёқлари орасидаги билинар-билинмас узун чизиклардан унинг ургочи эканлигини, елинлари срга

тегиб туришидан яқинда болалаганлыгини билиш мумкин эди. Олдинги иккى оёқлари ёнидаги чизиқлар қулоқларининг жуда узунлигидан, уч оёғининг излари ерга чуқур ботмагаңлыгидан англашимки, агар шундай дейишга журъат этолсам улуғвор маликамизнинг итлари оз-моз оқсоқ эди.

Подшоҳлар подшосининг отлари масаласига келсак, билингиз, бу ўрмон йўлларида сайд қилиб юриб, от тақасининг изларини кўриб қолдим, улар бир-бирларидан бир хил масофада эдилар. Отнинг йўрга экан, деб ўйладим. Кенглиги стти фут бўлган йўлнинг четларидаги дараҳтлардаги баргларнинг чангига йўлнинг ўртасидан уч ярим фут нарида тўкилган эди. Бу отнинг думи уч ярим фут бўлиб, у ўзининг ўнгта ва сўлга қилган ҳаракатлари билан бу чангни супурган, деб ўйладим. Беш фут баландликдаги гумбазни ҳосил қилиб турган дараҳтлар тагида ҳозирги нан новдалардан узилиб тушган баргларга кўзим тушди ва шундан отнинг бўйи беш фут экан, деб хулоса чиқардим. Сувлиқ масаласига келсак, у йигирма уч қиротли олтиндан керак, чунки у чақмоқтошга тўқасини ишқалаган, мен буни ўргандим. Нихоят, бошқа жиҳадаги тошларда қолдирилган излардан унинг тақалари ўн бир динорли қийматга эга бўлган кумушдан, деган хулосага келдим.

Ҳакамлар Задигнинг донолигига тан беришди. Унинг овозаси подшоҳ ва маликанинг ҳам қулоғига стди. Қабулхоналарда, хоналарда ва кабинетларда фақат Задиг ҳақида гапиришар, кўпгина коҳинлар уни жодугар сифатида ўтда ёқиш керак, деган фикрни айтишларига қарамасдан, подшоҳ Задигга солинган жарима — тўрт юз унция олтинни қайтариб беришни буюрди. Котиблар, ижрочилар, ҳакамлар унинг олдига қаторлашиб келишиди ва унга тўрт юз унцияни қайтаришди, фақатгина уч юз тўқсон саккиз унцияни суд харажатлари учун чегириб ташлашди; бундан ташқари, уларнинг хизматкорлари ҳам чой чақа сўрашди.

Ўта кузатувчи бўлишнинг ҳам зисни борлигини Задиг тушунди ва бундан кейин кўрган нарсаси ҳақида лом-лим демасликка ўзига ўзи сўз берди.

Кўп ўтмай бу ҳолат яна такрорланди. Давлат жиноятчиси Задигнинг деразаси остидан қочиб кетди. Задиг буни кўриб турган бўлса-да, пайтида, ҳақиқатни яшир-

ди. Бу жинояти учун у беш юз унция олтин тўлашга ҳукм қилинди.

"Ёргу дунёда баҳтиёр бўлиш нақадар мушкул!" хитоб қилди у.

БАХИЛ

Задиг тақдир баҳтсизликларига чора топиш учун ўзига маслакдошлар изламоқда эди. Бобилнинг шаҳар четидаги дид билан бозатилган уйида барча санъат асарларини йиққан ва пок инсонларга хос ўйин-кулгига берилганди. Эрталабдан кутубхонасида олимлар билан, кечқурун эса сараланган дўстлар даврасида бўларди. Лекин тез орада олимларнинг нақадар хавфли эканлигини билиб олди. Бир куни зардуштийлик динида грифон гўштини ейиш маън қилингандиги тўғрисидаги қонун юзасидан катта мунозара кўтарилди. "Қандай қилиб грифон гўштини маън қилиш мумкин,— дейишарди баъзилар,— агар бундай жониворнинг ўзи бўлмаса?" "Агар зардўштилик маън қиласар экан, десмак, у бўлиши керак",— дейишарди бошқалар. Задиг уларни келиштироқчи бўлди ва деди: "Агар грифон мавжуд бўлса, уни смаймиз, агар у мавжуд бўлса, сира ҳам емаймиз ва шу билан зардўштилик кўрсатмаларига амал қиласимиз!"

Грифонларнинг хусусиятлари тўғрисида ўн уч жилдик ҳитоб ёзган афсунгар бир олим Задигни холдейларнинг энг аҳмоғи ва ўтакетган мутаассиб бош сеҳргарига ёмонлади. У Задигни қозиққа ўтқазиб, қуёш учун қурбон қилиши, зардўштийлик китобини бамайли хотир ўқиб ўтиравериши мумкин эди. Задигнинг дўсти Кадор (бир дўст юз кашишдан афзал) кекса Йеборнинг олдига бориб, деди:

— Яшасин қуёш ва грифонлар! Задигни жазоламанг, эҳтиёт бўлинг: у авлис, қушхонасида грифлари бор, лекин уларни ҳеч қачон смайди, уни айблаган киши мажусийдир, чунки у қўённи панжаларининг айрим-айрим бўлишига қарамай, ҳалол деб ҳисоблади.

— Үнда,— деди Йебор кал бошини қимирлатиб,— Задигни грифлар тўғрисида нотўғри фикр айтганлиги учун қозиққа ўтказмоқ, унисини эса — қуёnlар ҳақида ёмон гапирганлиги учун жазоламоқ керак.

Кадор ишни фарзанд билан баҳтиёр этган ҳамда сеҳграрларнинг ҳурматига лойиқ бир қиз воситасида бости-бости қилди. Ҳеч ким қозиққа ўтказилмади. Шу туфайли кўпгина олимлар Бобилнинг таназзули ҳақида миш-мишлар тарқатиши.

Задиг баланд овозда: "Инсон баҳти нақадар мўрт!— дея ҳайқирди. Бу дунёда ҳамма нарса таъқиб қиласиди мени, ҳаттоқи йўқ нарсалар ҳам". У олимларни қарғади ва бундан кейин улар даврасини тарқ этишга қарор қилди.

Энди у ўз уйига Бобилнинг энг яхши тарбия кўрган эркаклари ва энг гўзал хонимларини таклиф этадиган, тансиқ таомлар тайёрлайдиган бўлди; кўпинча овқатдан олдин қонцертлар берилар ва ҳизгин суҳбат авж оларди, Задиг бу суҳбатларда зукколик учун чиранишга йўл қўймасди, чунки зўраки уринишлар закийликни ўлдиради ва энг ажойиб даврани ҳам бузади. Ҳамма нарсада у зохирий кўринишни эмас, амалий ишни ёқтипар, дўст танлашда ҳам, овқат саралашда ҳам шуҳратнарастликни ўйламасди. Худди шу туфайли ҳақиқий, ўзи даъво қилмаган ҳурматга сазовор бўлди.

У Аrimaz деган кимса билан ёнма-ён яшарди. Унинг разиллиги хунук баҳарасида ҳам акс этганди. Аrimaz закийларнинг энг нодони, заҳар ва такаббур киши эди. Зодагонлар орасида иши юришмагач, уларга туҳмат уюштириб аламидан чиқа бошлади. Бой-бадавлат бўлишига қарамасдан, у атрофига тилёғламачиларни йиғолмасди. Кечқурунлари Задигниң ҳовлисига кириб ксластган араваларнинг шовқини, унинг номига айтилган мақтов сўзлар ғашини келтиради. У бир ўчча марта Задигнига келди ва таклифсиз столга ўтиради. У ҳар гал, довул қушининг гушти овқатни бузгани каби, тўпланганларнинг таъбини хира қиласди. Бир куни Arimaz бир хоним шарафига зиёфат бермоқчи бўлди; хоним таклифни қабул қилмай, кечки овқатга Задигнига борди. Бошқа бир куни сарой ҳовлисида суҳбатлашаётib, улар вазирни учратиб қодишиди: вазир Задигни кечки овқатга таклиф қилди, Arimazга эса илтифот кўрсатмади. Мана шундай майдა-чўйда кўнгилсизликлар, ундаги ҳасрат, алам елвизакларини кучайтиради. Бобилда "Бахил" деб аталувчи бу кимса "баҳтли" деган шарафга сазовор Задигни йўқотмоқчи бўлди.

Зардўшт айтғанидеск, ёмонлик қилиш учун имконият бир күнда юз марта, яхшилик қилиш учун эса бир йилда бир марта туғилади.

Бахил боғда иккита дўсти ва бир хоним билан сайдирилб юрган Задигнинг олдига келди. Задиг бу хонимга ҳеч қандай маълум мақсадсиз ҳазил-мутойиба қиласарди. Гап келиб, қиролнинг ўз вассали, Иркания князига қарши олиб борган урушнинг яқинда муваффақиятли тугаганилигига бориб тақалди. Бу қисқа муддатли жангда ўз жасурлигини кўрсатган Задиг қиролдан кўра хонимни кўпроқ мақтади ва тезгина тўрт қатор шеър ёзиб, хонимга узатди. Дўстлари ҳам ўқиб кўришини илтимос қилишди: камтарлик юзасиданми ёки оддий нафсонаият туфайлими, Задиг шеърни кўрсатмади.

У шеър битилган қоғозни икки буклаб, тул бутоқларни орасига отиб юборди. Ёмири томчилай бошлагач, улар уйларига қайтишди.

Бахил узоқ қидириб, шеърнинг бир бўлagini топиб олди. Шеърнинг ярми маълум маънога эга эди ва ҳатточи у, кичик ҳажмли шеърни ташкил қиласарди: аммо энг ҳайрон қоладиган жойи шунда әдики, унда қирол шахсиятига тегадиган ҳакоратлар бор эди:

Буюқ қабоҳат-ла
Таҳтдаги подишоҳ,
Умумнинг баҳтига
Ягона ганим, оҳ!

Бахил Задигни ҳалок этиш учун далил топилганлигидан умрида биринчи марта ўзини енгил хис қилди ва шу заҳоти уни подшоҳга жўнатди: Задигни дўстлари билан бирга қамоққа олишди. Иш судга оширилди. Ҳакамлар Задигни тинглашни ҳам хоҳламадилар. Уни ҳукмни ёълон қилиш учун олиб келастганларида йўл устида турган Аrimaz баланд овозда: "Шеърнинг ҳеч вақога арзимайди", — деди. Задиг ўзини яхши шоир ҳисобламас, бироқ уни подшоҳни ҳақорат қилишда ноҳақ зйблаганларини ва икки дўсти ва гўзал хонимнинг бундан бесҳуда жабр кўрганилигидан умидсизликка тушди. Ўзини оқлаш учун унга сўз ҳам беришмади. Бобилда қонун шунақа әди. Задигни қатл қилиш учун оломон орасидан олиб ўтишди. Ҳеч кимнинг унга раҳми келмади. Кўпчилик унинг ўлимини кўришга ошиц әди. Фақат қариндош-уруғлари меросдан маҳрум бўлаёт-

ғанликлари, бойликининг тўртдан уч қисми подшоҳ ва қолган чораги Аримазнинг фойдасига мусодара қилина-ётганлигидан қайфуда эдилар.

Қатлга ҳозирлик қўрилаётгандан, подшоҳнинг тўтиси атиргул тўлига қўнди. Шеърнинг иккинчи қисми гул бутоғи орасига тушган шафтолига ёпишиб қолганди. Қуш шафтолини шеър бўлаги билан бирга кўтарди ва келтириб шоҳ тиззасига қўйди. Подшоҳ тахтачадаги ҳеч қандай маъно англатмайдиган сўзларни қизиқиб ўқиди ва улар қандайдир шеърнинг давоми бўлиб кўринди. У шеъриятни яхши кўрарди, тўтининг топилмаси уни ўйлатиб қўйди. Малика Задигнинг унда нима ёзилганини эслади ва уни келтиришни буюрди. Икки бўлакни қўшганларида, улар бир-бирларига бутунлай мос келди ва Задиг ёзган шеърни ўқиши:

Буюк қабоҳат-ла ҷўлгани замин,
Таҳтдаги подшоҳ чиқарди қонун.
Умумлиг бахтига муҳаббат тизгин:
Ягона ганим, оҳ, унга Купиду.

Подшоҳ зудлик билан қатлни бекор қилди ва Задигнинг икки дўсти ва гўзал хонимни қамоқдан озод этди. Задиг подшоҳ ва малика олдида тиз чўкиб, бу бемаъни шеър учун уни авф этишларини сўради. У шунчалик самимий гапирдики, шоҳ ва малика уни яна бир кўриш истакларини билдирилар. У яна бир марта қайтиб келди ва янада кўпроқ маъқул бўлди. Бахилнинг мол-мулкини Задигга бердилар, лекин Задиг уларни эгасига қайтарди. Бахил мулкидан жудо бўлмаганилиги учун хурсанд бўлди. Шоҳнинг Задигга ҳурмати кундан кунга ошди. У Задигни ўзининг барча хурсандчиликларига шерик қилди ва барча ишларда у билан маслаҳатлашиб турди. Лекин Маликанинг унга нисбатан хаддан ташқари мойиллиги, подшоҳ учун ҳам, давлат учун ва ўзи учун ҳам хавфли бўлиб қолди. Задиг садоқатли бўлишнинг мушкул эканлигига ишонч ҳосил қила бошлади.

ОЛИЙҲИММАТЛИЛАР

Беш йилда бир марта нишонланадиган байрам куни яқинлашмоқда эди. Байрамда энг олийҳиммат одамни тантанали равишда эълон қилишдек одат бор эди. Амал-

дорлар ва афсунгарлар унда ҳакамлик қилишарди. Биринчи ҳоким, у айни пайтда шаҳар бошлиғи ҳам, ўзининг ҳукмронлиги пайтида юз берган энг олижаноб ишлар ҳақида ҳисобот берар, овозлар йигилгач, шоҳ қарор қабул қиласарди. Тантанага ер ўзининг тўрт томонидан меҳмонлар келишарди. Шоҳ ғолибга қимматбаҳо тошлар билан безатилган жомни бераркан: "Мана бу мукофотимизни ҳабул қилинг, менга сизга ўхшаган фуқаролардан кўпроқ берсин", — дерди.

Шоҳ ўз тахтида, амалдорлар, афсунгарлар, ўйинга этиб келган қабила вакилларининг қуршовида эди. Ўйинларда шон-шуҳрат эзгулик билан қўлга киритиларди. Ҳоким ўйинларда иштирок этиши лозим бўлганларни санаб чиқди. Бироқ у Бахилнинг бутун мол-мулкини қайтариб берган Задигнинг номини тилга олмади.

У муҳим суд жараёнида бойлигини бой берган бобиллик бир кишига қийматига тўғри келадиган даражада ўзининг мол-мулкини берган ҳакам ҳақида гапириди.

Шундан кейин ҳоким бир қизга ошиқи беқарор бўлган ва унга уйланаман деб юрган йигитни кўрсатди. Бироқ у қизни сеп билан мукофотлаб, ўзини дўстига ҳада этди.

Сўнгра Гидпания урушида олийҳимматлик кўрсатган аскар пайдо бўлди. Душман аскарларидан маъшуқасини ҳимоя қилиб турган бир пайтда унга бошқа гирканийликлар онасини олиб кетаёттанликларини айтишиди: аскар йиғлай-йиғлай маъшуқасини қолдирив, волидасини қутқаришга югурди. Шундан сўнг у яна маъшуқасининг олдига қайтиб келди ва уни жон берәётган ҳолатда кўрди. У ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлди, аммо онаси ундан бошқа таянчи йўғлигини зор қақшаб эслатгач, аҳдидан қайтди.

Ҳакамлар шу аскар фойдасига мойил эдилар. Шоҳ сўз олди ва:

— Бу ҳам, бошқа иккитаси ҳам олижаноб иш қилганлар,— деди,— аммо улар мени ҳайрон қолдиролмайдилар. Кеча Задиг ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли иш қилди. Бир исча кун олдин мен вазиримиз ва архандамиз Коребни ишдан четлаштирган эдим. Мен у билан ғазабинок муамолада бўлдим, лекин ҳамма аъёнларим у билан юмшоқ муомала қиляпсиз дейиш-

ди, барчалари Коребни ўта ёмонлашди. Мен Задигнинг фикрини сўрадим, у эса Кореб тўғрисида яхши фикр айтди. Мен тарихимида ўз хатолари учун мол-муллари билан товоён тўлаганларни, маъшуқасини берганларни, севганидан ўз волидасини афзал кўрганларни учратганман, бироқ ҳеч қачон ўз ҳукмдорининг газабига дучор бўлган вазирни биронта сарой ходими яхшилаганини ўқиган эмасман. Ҳозиргина олижаноб хизматлари ҳикоя қилинган кишиларнинг ҳар бирига йигирма минг олтин совға қиласман, лекин биринчилик жомини Задигга бераман!

— Ҳазрат,— деди Задиг унга,— Сиз жаноби олийлари ҳеч ким эшишмаган олийхиммат иш қилдингиз: газабланган бўлсангизда, сизга қарши гапирган қулинингизга нисбатан сира ҳам аччиқланмадингиз.

Ҳамма шоҳ ва Задигга таҳсиллар ўқиди. Ўз мол-мулкини берган ҳакам, маҳбубасини дўстига ҳадя этган йигит, онасининг озодлигини маъшуқасидан афзал кўрган аскар шоҳнинг туҳфаларини қабул қилишди. Ва уларнинг номлари олийхимматилар китобига ёзилди. Жом эса Задигга насиб этди. Шоҳ эса мурувватли ҳукмдор номини олди, лекин уни узоқ сақлай олмади. Шу кунги байрам тантаналари қонунда кўрсатилганидан кўра узоқроқ давом этди. Бу кун ҳақидаги хотира Осиёда ҳозир ҳам сақланади. Задиг: "Ниҳоят, мен баҳтиёрман!"— деди. Лекин у адашган эди.

ВАЗИР

Шоҳ ўзининг бош вазиридан жудо бўлди. Бу ўринига Задигни тайинлади. Империя ташкил топгандан бўён ёш йигит вазир бўлмаган эди. Барча гўзал хонимлар шоҳнинг қарорини маъқулладилар. Сарой аъёнлари эса газабланишиди: ҳасадчи қон туфлади ва унинг бурни ваҳимали тарзда шишиб кетди. Задиг подшоҳ ва маликага ташаккурлар айтгач, миннатдорчиллик билдириш учун тўтигининг олдига борди: "Гўзал қуш,— деди унга менинг ҳаётимни сақлаб қолган ва менинги бу мартабага сиз етказган бўласиз: Зоти олийларининг итлари ва отлари менга кўп заҳмат етказганди. Мана, баъзан одамларнинг тақдиди нимага боғлиқ бўлади! Лекин,— қўшиб қўйди у,— бундай ғалати баҳтнинг умри, эҳтимол, қисқа бўлар".

Тұты унинг гапини тасдиқлади. Бу Задигни ажаблантирди. Аммо, у яхшигина табиатшунос бұлғанлығы учунми, тұтиларнинг авлиёлик ҳислатларыга ишонмади, тез орада тинчланди ва ўзининг вазирлик хизматини сидқидилдан ижро эта бошлади.

Барча қонуннинг муқаддаслық күчини ҳис қила бошлади ва ҳеч кимга ўз лавозими юкини сөздіртірмади. У девонхона аъзоларининг фикрларини йүкқа чиқармас, ҳар бир вазир, шоҳнинг ғашыға тегмасдан, ўз фикрини айта оларди. Бирор ишни ҳал қилишга түғри келганды, қонун йўли билан ҳал қиласади. Жазо қаттиқроқ бўлса, шоҳ уни енгиллатир, агар қонун бўлмаса, Зардўштийлик қонунларидан кам бўлмаган одил қонунлар қабул қиласади.

У айборни жазолагандан кўра, жинояттинг олдини олишни афзалроқ эканини, қонунлар кишиларни қўрқитиши учун эмас, балки уларга ёрдам бериш учун яратилган, деб ҳисобларди.

Бошқалар ҳақиқатга соя солиб туришга уришган бир пайтда, унинг очиқ галлари шоҳнинг кўзини очарди.

Ўз ҳукмдорлигининг дастлабки кунларидан бутун маҳоратидан фойдалана бошлади. Бобилнинг машҳур бир савдогари Ҳиндистонда вафот этди. У қизини турмушга чиқаргач, ўз давлатини икки ўғлига тенг бўлиб берганди. Бундан ташқари, икки ўғилдан қайси бири отасини кўлроқ эҳтиром қилғанлиги маълум бўлса, ўшанга деб ўттиз минг олтин ҳам тайинлаганди. Катта ўғил қабр тоши қўйди, иккинчиси эса ўз меросининг бир қисми билан синглисисининг сепини кўпайтирди, ҳамма: "Катта ўғил отасини яхши кўрар экан, кичиги эса — синглисиси, ўттиз минг олтин каттасига тегиши керак", — дерди.

Задиг уларни бирин-кетин олдига чақириб, каттасига: "Отангиз сира ўлган эмас: у касалликдан фориг бўлди, Бобилга қайтмоқда", — деди.

— Худога шукур,— жаоб берди йигит,— лекин қабр тоши менга анча қимматга тушди.

Задиг худди шу гапни кенжә ўғилга айтди.

— Худога шукур,— деди у,— мен мерос сифатида олган ҳамма мол-мулкимни отамга қайтараман, лекин отам синглимга берган нарсаларимни унда қолдиришини истардим.

— Сиз ҳеч нөргөни қайтармайсиз,— деди Задиг— сиз ўттиз минг өлтинга эга бўласиз, чунки отангизни ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ эҳтиром этар экансиз.

Жуда бадавлат бир қиз иккита коҳинга турмушга чиқишига розилик берди ва бир неча ой давомида улардан собоқ олгач, оғир оёқли бўлиб қолди. Уларнинг иккаласи ҳам унга уйланмоқчи эдилар.

— Икки кишидан қайси бири менга фарзанд ато этган бўлса, ўша менинг эрим бўлади,— деди қиз.

— Бу эзгу ишни мен қиlldим,— деди бири.

— Бу хизмат менини,— деди бошқаси.

— Хўп, яхши,— деди қиз,— иккалангиздан қайси бирингиз болага яхши тарбия бера олсангиз, мен ўшани боланинг отаси деб тан оламан.

У ўғил туғди. Коҳинларнинг иккаласи ҳам уни тарбиялаш ниятида. Иш Задигга бориб етди. У иккала коҳинни ҳам чақиритирди.

— Сен болани нимага ўргатасан,— деди у биринчи коҳинга.

— Мен унга,— деди донишманд,— саккизта сўз туркумини, диалектикани, мунахжимликни, инсу-жинсларни ром этишини ўргатаман ва унга субстанция ва акцеденция (тасодифий ҳодиса, жузъий хусусият— М. X. Р. Қ.)нинг, мавҳумлик ва аниқликнинг монандлар (Лейбниц системасида оддий, фаол ва бўлинмас субстанция — М. X. Р. Қ.) ва олдиндан белгиланган гармониянинг нома эканлигини тушунитираман.

— Мен,— деди иккинчиси,— уни адолатли ва дўстга содиқ қилиб тарбиялашта ҳаракат қиласман.

— Сен боланинг отасимисан ё йўқми, унинг онасига уйланасан,— деди Задиг.

МУНОЗАРАЛАР ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШЛАР

Шу йўсинда ҳар куни Задиг ўзининг зийрак ақли ва эзгу қалбини намоён қилиб борди. Унга тасанинолар айтишар ва айни пайтда уни севишарди. Уни одамларнинг энг баҳтлиси деб ҳисоблашарди. Бутун мамлакатга унинг номи тарқалди. Ҳамма хотинлар унга назар ташлай бошладилар: фуқаро унинг адолатпарварлигини мақтар, олимлар валий сифатида қарашар, коҳинлар уни архимаг йисбордан ҳам кўпроқ нарсани билади, деб тан олишарди. Энди у билан грифлар тўғрисида тор-

тишиш фикридан ҳаммалари узоқ әдилар. Задиг ишониши мүмкін деб ҳисоблаган нарасагагина ишонардилар.

Бобилда улкан бир мунозара бўлиб, у бир ярим минг йилдан бўён давом этиб келар ва бутун мамлакатни иккита муросасиз гуруҳга бўлиб юборган эди: бир гуруҳ тарафдорлари Митра маъбадига фақат чап оёқ билан кириш керак дейишса, иккинчи гуруҳ бу одатни манфур деб билар ва у ерга фақат ўнг оёқ билан кириш лозим деб ҳисоблардилар. Задиг қайси томонга мойиллик кўрсатишини билиш учун Ҳамма муқаддас олов байрами кунини кутар, Задигнинг қайси томонга ён босишини билмоқ орзусида эди. Байрам куни Задиг икки оёгини жуфтлаб сакраб ибодатхонага кирди ва сўнгра чиройли нутқ сўзлаб, само ср.Худоси учун эҳтиросларнинг бегона ҳамда чап ва ўнг оёқка бир хил муносабатда эканлигини исботлади. Ҳасадчи ва унинг хотини Задигнинг нутқида образларнинг озлигини ва у тоғлар ва тепаликларни рақсга тушишга мажбур қилмаганигини таъкидлаши.

— У қуруқ ва тасаввурдан йироқ,— дерди улар. У на деңгизни соҳилдан чекинтира олади, на юлдузларни тушира олади, на қўёшни мумдек эрита олади. Унда ҳеч қанақа шарқ услуби йўқ.

Задиг ақл-идроқи билан қаноатланарди. У ҳақ, оқил, севимли бўлганлиги учун эмас, балки бош вазирлиги учун ҳамма у томонда эди.

У оқ ва қора коҳинлар ўртасида катта бир тортишувни муваффақиятли ҳал қилди. Оқларнинг таъкидлашича, худога сигинастганда, юзни шимоли-шарққа буриш — гуноҳ. Қораларнинг ишонтиришларича, одамлар жануби-гарб томонга қараб сигинишса, худонинг газаби келармиш. Задиг ким қаёқка хоҳласа, ўша томонга юз ўгиришга фармон берди.

Шу тартибда Задиг эрталаб барча шахсий ва давлат ишлари билан шуғулланиш йўлини топди, кундуз куни эса Бобилни босзаш ишлари билан банд бўларди. У театрларда кишиларни йиғлатадиган фожиалар, кулдирадиган комедиялар қўйишга фармон берарди. Бундай пъесалар аллақачон модадан чиққан бўлиб, Задиг уларни қайта бунёд этди, чунки у диди ўткир киши эди. У бу нарасаларни санъат аҳлидан кўра яхшироқ билмаслигига ишонар, уларга совғалар берар ва мукофотлар эди, лекин уларнинг иқтидорига ўзича ҳasad қўлмасди.

Кечқурунлари шоҳнинг, айниқса, маликанинг кўнглини очарди. Қирол: "Буюк вазир!" деса, малика: "Мафтункор вазир!" дерди. Ҳар иккаласи: "Ўшанда осиб юборганила-рида, жуда ачинарли иш бўларди", — деб қўшиб қў-йишарди.

Бирор амалдор ҳали буничилик хонимларни қабул қилмаган эди. Уларнинг аксарияти унинг сухбатидан завқ олиш учун келарди. Ҳасадчининг хотини би-риичилар қаторида келди. У Митра, Зендавесто (Авес-то — М. Х. Р. Қ.) ва муқаддас олов номи билан қасам ичиб, ўз эрининг хўлқидан жирканажагини, унинг рашкчи, қўпол эканлигини тан олди ва худолар уни жазолаганликларини айтди. Кейин у кутилмагандан боғичини тушириб юборди. Задиг вазминлик билан уни ердан кўтарди, лекин тиззасига ўтказиб қўймади. Бу кичкина хатолик (агар буни хато дейиш мумкин бўлса) оғир фалокатларга сабаб бўлди. Задиг бу ҳақда ўйламади ҳам, ҳасадчининг хотини эса буни унут-мади.

Хонимлар ҳар куни келишарди. Бобилнинг яширин солномаларида айтилишича, у бир мартағина ўзлигини тарқ этди, ҳайрат билан шу нарсани англадики, аёлнинг қучоғида роҳатланиш сезмади ва бешарво ҳолда жазманидан бўса олди. Задиг ўзи сезмаган ҳолда хуштор бўлиб қолган бу аёл малика Астартанинг оқсоchlаридан бири эди. Бу гўзал хоним ўзини юпатиш учун: "Ишлари ҳаддан ошиқ кўп, шунинг учун ишқий лаззат пайтида ҳам улар ҳақида ўйлайди", — дерди. Кўпчилик индамай ўтирадиган, бошқалар эса табаррук сўзларни айтиётган лаҳзаларнинг бирида Задиг тўсатдан "Малика!" деб юборди. Бобиллик аёл "ниҳоят Задиг ўзига келибди" деб ўйлади ва қизиқиб кетиб "Маликам!" деб айтди деган ўйга борди. Лескин, ҳамон бешарво ўтирган Задиг Астартанинг номини олди. Бу бахтли сонияларда ҳамма нарсани ўз фойдасига ҳисоблаётган хоним буни "Сиз малика Астартадан ҳам гўзалроқсиз!" деб тасаввур қилди. У Задиг ҳарамидан жуда чиройли совғалар билан чиқди ва бориб бўлган воқеани ўзининг яқин дугонаси — ҳасадчи аёлга сўзлаб берди. Ўзидан кўра бошқани афзал кўриш уни қаттиқ ҳақорат қилди:

— У менга мана бу боғични кийгизишни ҳам лозим кўрмади, мен уни бошқа қиймайман, — деди у аччиқ-ланиб.

— О, сизнинг бөгичларингиз худди маликаникідек әкан,— деди унинг баҳтиёр рақиби. Сизлар уларни бир кишидан олсаларингиз керак?

Ҳасадчи аёл чуқур ўйга толди, маслаҳатлашиш учун зри — ҳасадчининг олдига борди.

Бу борада Задиг ҳаммавақт — судла ҳам, кишиларни қабул қилиш пайтида ҳам ўзининг паришонхотир әканлигини сезиб қолди. Гап нимада әканлигини у тушунолмасди ва мана шу ягона жумбоқ унинг күнглини хира қиласарди.

Бир куни у түші күрди. Түшида, тиканли қуруқ ўтлар устида безовта ётғанмиш, сүнгра — гул түшакларда дам олаётғанмиш. Бирданига түшакдан зақарлы илон чиқиб, унинг юрагига оғули қиши урибди. "Ана холос! — ўйлади у, — мен узоқ вақт қуруқ ва тиканли ўт устида ётдім. Энди эса гүл түшаклардаман. Илон ким әкан?"

РАШІК

Задигга хизматкори баҳтсизлик келтирди. У ҳар куни подшоҳ ва унинг илохий рафиқаси билан суҳбатда бўларди. Астарта ўзи сезмаган ҳолда, унга таъсир кўрсата бошлаганди. Аёлнинг унга бўлган эҳтироси кундан-кун кучайиб борар, уни шоҳ олдида тинимсиз мақтар, сарой хонимларига у тўғрисида оннириб галипарди. Буларнинг барчаси унинг қалбидаги ўзи сезмаган номсиз ҳиссиётни мустаҳкамларди. У Задигга туҳфалар қиласи ва бу туҳфаларда унинг эҳтироси намоён бўларди. Буларнинг бари Астартага гус ўз фуқаросининг хизматидан мамнун бўлгандек кайфият туғдирар, аммо баъзи гаплари севиб қолган аслнинг сўзларидек садо берарди.

Астарта Замирага ва ўз зрининг бурнини кесмоқчи бўлган аёлга қараганда гўзалроқ эди. Унинг дўстона муомаласи, баъзан ўзини ҳам қизартириб юборадиган нозик сўзлари, нигоҳлари Задигнинг қалбida олов ёқар, бундан унинг ўзи ҳам ҳайрон эди. У ўз ҳиссиётларига қарши курашди, шу пайтгача ўзига кўмак бериб келган фалсафани ёрдамга чақирди, аммо бу сафар уринишлар зоя кетди: у энди малика билан аввалгидай беналол ширин суҳбат қуролмас, кўз олди хирадашар, гаплари поймапой чиқар, нигоҳлари срга қадаларди Ва, беихтиёр унинг нигоҳи Астартага тушганда, унинг: "Биз бир-биримизни

ардоқлаймиз, аммо севишта құрқамиз. Ҳар иккаламиз ҳам жиноят ўтида ўртамоқдамиз", — деган маънени на-моён қиласыткан намли күзларига дуч келарди.

Задиг маликанинг олдидан паришонхотир ҳолда зилзамбиль бўлиб чиқарди. Пировард натижада, ишқ азобларига чидолмаган Задиг Кадорни ўз сиридан воқиф этди.

— Мен яширин ҳиссиятларингизни пайқаган эдим,— деди Кадор. Ўйлаб кўринг, қадрдон дўстим, мёнки қалбингиздаги сирни ўқий олган эканман, эртами-кечми, шоҳ ҳам ундан хабар топади. У жуда рашкчи одам. Сиз файласуфсиз, эр кишиносиз, ўз ҳис-туйғуларингизни жиловлай оласиз.

Аммо Астарта — аёл. Қаёққа қадам ташлаётганини сезмагани учун эҳтиёткорликни унугради. Бахтга қарши, ўзининг айбизлигига бўлган ишонч одоб қоидаларини писанд қилмасликка олиб келади. Токи у ўзини бирон бир нарсада айбламайдиган бўлгунича, мен у учун титрайвераман. Агар сиз у билан яқинлашган бўлганингизда эди, барча кўзларни алдаган бўлишингиз мумкин эди: туғилаётган ва сўнаётган эҳтирос ҳар бир ҳаракатда кўзга ташланади, муроди ҳосил бўлган муҳаббатни яшириш осон. Қиролга, ўз валинсъматига ҳоинлик қилиш таклифи Задигни даҳшатга солди. У ҳеч қачон, ўзини иродасига қарши жиноятчи деб ҳисоблаган пайтдагидек ўз шоҳига содиқ бўлган эмасди. Ваҳоланки, малика Задигнинг номини қирол ҳузурида тез-тез тилга олганда юзлари қизарип кетар, гоҳ ҳаяжонланар, гоҳ гапини йўқотиб қўярди. Задиг чиқиб кетгач, у шунчалик чуқур ўйга чўмардики, бундан, ниҳоят, шоҳ ташвишлана бошлади. У кўраётган нарсларига ишонди ва кўрмаганларини тасаввур қилди. Хусусан, шу нарса уни хайратга солдики, хотинининг туфлиси ҳаворанг эди ва Задигники ҳам, хотинининг ленталари сариқ эди, Задигнинг қалпоги ҳам сариқ эди: табиати нозик ҳукмдорнинг назаридаги инкор қилиб бўлмас далил эди. Унинг асабларини тарапглаштирган ўбҳалар ҳақиқатга айландилар.

Саройдагилар тез орада Астартанинг севиб қолганлигини ва Моабдарнинг рашк ўтида ёнаётганини сезиб қолишибди. Ҳасадчи ўзининг ҳасадгўй хотинини маликанинг бөгичига ўхшаш бөгичи билан подшоҳининг ҳузурига жўнатди. Фалокатнинг устига, буни қарангаки,

бу боғич ҳам ҳаворанг эди. Шу лаҳзадан бошлаб шоҳ қасос олиш йўлини ўйлай бошлади. У кечаси маликани заҳарлашга, эрта тонгда эса Задигни бўғиб ўлдиришга қарор қилди. Бу ишни шоҳнинг интиқомли ниятларини амалга оширувчи, шафқатсиз ҳарам оғаси бажариши керак эди. Шоҳнинг пакана гунг қули бор эди. Аммо у кар эмасди. Үндан айғоқчиликда фойдаланишарди, у саройда содир бўладиган махфий сирлардан ҳам хабар топарди. Бу миттивой малика билан Задигта жуда боғланиб қолганди. У қотиллик тўғрисидаги фармонни ҳайрат ва даҳшат билан эшилди. Бу тўғрида қандай оғөҳ қиммоқ керак? Миттивой ёзишни билмас, аммо у сурат чизишни қойиллатарди. Туннинг ярмини у маликага етказмоқчи бўлган сирни акс эттириш билан ўтказди. У чизган суратнинг бир чистида газабланган ва ҳарам оғасига фармон берадётган шоҳ, кейин стол, унинг устида ҳаворанг аргамчи ва ваза, ҳаворанг боғич, сариқ ленталар, суратнинг ўртасида ўз/аёнлари қўлида жон берадётган малика ва унишг оёқлари томонда бўғиб ўлдирилган Задиг. Уфқда — чиқиб ксластган қўёш — бу билан миттивой қотиллик эрта тонгда рўй беради демоқчи. Қул ишини тугатиши биланоқ Астартанинг аёлларидан бирининг олдига югурди, уни уйготди ва имоишора билан суратни маликага етказиши лозимлигини тушунтириди.

Ярим тунда Задигга маликанинг хатини етказиши: бу туш эмасмикан, деб ўйлади у, қўллари қалтираб хатни очаркан.

"Зудлик билан қочинг,— деб ёзғанди малика,— йўқса, сизни мавҳ этишади. Менинг эса ҳеч бир гуноҳим йўқ, аммо, ҳис қиляпманки, мени гуноҳкор сифатида ўламан".

Задиг Кадорни чақиртириди ва жимгина унга хатни узатди. Кадор уни бўйсунишга уннади ва ҳозирнинг ўзидаёқ Мемфисга қараб йўлга тушишни айтди.

— Мабодо сиз маликанинг олдига бормоқчи бўлсангиз, унинг ўлимини тезлаштирган бўласиз, агар шоҳ билан гаплашмоқчи бўлсангиз, унда ҳам маликани ҳалок қиласиз. Маликанинг тақдирини мени ўз бўйнимга оламан, сиз эса ўз ҳаққингизда қайфуринг. Мени сизни Ҳиндистонга кетган, деб гап тарқатаман. Яқин орада сизни топиб оламан ва Бобилда нималар бўлиб ўтганини сизга сўзлаб бераман.

Шу заҳотиёқ Кадор саройга яширинча иккита йўрга нортую келтиришларини буюрди. Улардан бирига ҳушсиз Задигни ўтказди. Задигни хизматкорлардан бири кузатиб борадиган бўлди.

Задиг ўзига келгач, узоқ вақт кўз ёш тўқди ва ўзига ўлим истади.

— Мана сенга инсон ҳаёти!— леди у ички алам билан.— Эй, парвардигор! Сен менга нима билан ёрдам қилдинг? Икки аёл менга номуносиб тарзда панд берди, учинчиси эса, гуноҳсиз ва ҳаммадан гўзал, ҳадемай ўлиши керак. Мен нимаики яхши иш қилган бўлсан, муқаррар равишда менга баҳтсизлик олиб келди. Буюклик чўққисига фақат фалокатларнинг даҳшатли гирдобига отилиш учун кўтариљганимидим. Мен ҳам ўзгалар сингари тошбагир бўлганимда, улардек баҳтиёр бўлардим.

Маҳзун хаёллар оғушида қолган Задиг ўз сафарини давом эттириди; унинг кўзлари ғам юқидан хира тортган, юзлари оппоқ оқариб кетган, қалби умидсизликка тушган эди.

ТАЁҚ ЕГАН ХОТИН

Задиг юлдузларга қараб йўл босарди. Орион юлдузлар туркуми ва ёрқин Сириус юлдузи уни Каноп юлдузи томон олиб бораради. У бизга заррадек кўринган улкан юлдузларга қараб завқланарди; айни пайтда ср, коинотнинг кичик заррачаси, кўзимизга улкан ва улуғвор бўлиб кўринмади. Шу лаҳзада Задиг инсониятни амалда қандай бўлса, шундай, яъни, кичик бир лой бўлаги устига ўтириб олиб бир-бирини ямлаётган ҳашоратларга ўхшатмоқда эди. Шу тушкин кайфият унинг барча баҳтсизликларини йўқقا чиқарди, шахсан ўзининг ва Бобилнинг нотавонлигини эслатди. Задигнинг руҳи, гус ўз танасидан ажralиб, чексизлик томон отилгандай ва коинотнинг ўзгармас тартибини кузатгандай бўлди. Сўнгра, самодан яна срга қайтиб тушгач, юрагининг ураётганини ҳис қилди. Астарта, эҳтимол, ҳалок бўлгандир: коинот яна йўқолди ва қоронгиликда жон бераётган Астарта билан ўзидан ҳеч ким йўқлигини ҳис этди.

Задиг Миср сарҳадларига яқинлашмоқда эди; унинг содиқ хизматкори илгарилаб кетди ва биринчи қиши

лоқдасқ Задигга бошпана излади, Задиг эса шу орада қишлоқ атрофидаги бөгларда сайд қилди. Катта йўл яқинида бир аёл дод-фарёд қилиб, сру кўкни ёрдамга чақирав, ғазабланган эркак уни таъқиб қиласр эди. Эркак уни қувиб етиб дўппослай бошлади. Эркакнинг қаҳр-ғазаби ва аёлнинг кесирим сўрашларидан Задиг англадики, уларнинг бири — рашикчи, иккинчиси — бевафо.. Аёлнинг жозибадорлиги-ю, бахтиқаролиги Астартада билан ўхшашибигини кўрган Задигнинг унга раҳми келди, мисрли эркакка нисбатан эса ғазаби қайнади.

— Ёрдам беринг менга! — ёлворди аёл. — Мени бу ёввойининг қўлидан қутқаринг, ҳастимни сақлаб қолинг!

— Агар сизда озгиниа инсонпарварлик бўлса, илтимос қиласман, гўзаллик ва кучсизликни ҳурмат қилинг, — деди самими оҳангда. — Оёқларингиз остида ётган, ўзини ҳимоя қилиш учун кўз ёшларидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган, табиатнинг бу гўзал туҳфаси билан нега бундай муомала қиласиз?

— Ҳа, ҳали шунақами! — қичқирди қутурган мисрлик.— Демак, сен ҳам уни яхши кўрасанми, мен сендан қасос олишим керак экан! Шундай деб, бир қўли билан сочидан тутамлаб турган аёлни қўйиб юборди, найзасини олиб, ўзга срлига санчмоқчи бўлди. Задиг эса совуққонлик билан ўзини кучли зарбдан ҳимоя қилди: найзанинг учидан ушлаб олди. То найза сингунча тортишув давом этди. Сўнг қиличларини ялангочлаб, бир-бирларига ташланишди. Бири чаққонлик билан ҳужумга ўтар, иккинчиси усталик билан уни қайтарарди. Аёл эса, ўт устига ўтириб олиб, соchlарини тузатганча, жангни кузатарди. Мисрлик кучли бўлса, Задиг чаққон эди.

Задиг чаққонлик, моҳирлик билан жанг қиласр, мисрлик эса ғазабга тўлиб, қандай тўғри келса, шундай зарба берарди. Задигнинг қўли баланд келди: мисрликни қуролсизлантириб, қўлини орқасига қайирди ва кўксига қилич тиради-да, таъбасини таянтириб юборди. Аммо мисрлик гирромлик йўлига ўтиб, ханжар билан ғолибни яралади. Ундан ғазабланган Задиг қиличини унинг кўксига санчди. Мисрлик типирчилаб жон бергач, Задиг аёлга яқинлашди ва унга мулойим бир овозда:

— У мени ўлдиришга мажбур қилди: мен сизнинг қасосингизни олдим ва сизни дунёдаги энг золим одамнинг чангалидан халос қилдим, деди.

Кейин сўради:

— Мендан яна сизга нима керак, хоним?

— Ўлимингни, йўлтўсар, ўлимингни! — ўшқирди аёл. — Сен менинг севган кишимни ўлдирдинг! Мен сенинг юрагингни суғириб оламан!

— Ундаи бўлса, хоним, сизнинг ғалати севгилингиз бор экан! У сизни жони борича ураётгана, сиз ёрдамга чақирганлигингиз учун у мени ўлдирмоқчи бўлди.

— Яна урса ҳам майли эди, мен бунга лойиқ, эдим, мен унга бевафолик қилдим,— деди аёл бақириб. Умрида бунчалик аччиқланмаган Задиг ғазабини яширмади:

— Хоним, гўзал бўлишингизга қарамай, мен ҳам ўз навбатимда сизни уришим мумкин. Аммо мен буни ўзимга эп кўрмайман.

У туяга ўтириб, қишлоқ томон равона бўлди: бир неча қадам юргач, ортдан шовқин-сурон эшитилди, қайрилиб Бобилдан келган тўртта чопарни кўрди. Улардан бири аёлни кўриб, қичқирди:

— Бу ўша аёлга ўхшайди!

Улар дарҳол аёлни тутишди. Аёл эса Задигга ёлворди:

— Менга яна бир бор ёрдам қилинг, олиҳиммат ўзга ерлик! Менинг танбехларимни унутинг! Менга ёрдам беринг ва мен ўлгунча сизники бўламан!

Лекин Задигнинг бу аёл учун жанг қилиш истаги йўқ эди.

— Бошқаларга айтинг,— деди у,— мени бошқа алдай олмайсиз.

Унинг ўзи ёрдамга муҳтоҷ эди, ярасидан қон кетаётганди. Чопарларнинг кўриниши Задигни жуда ташвишлантириди. Шошилинч қишлоқ томон йўл оларкан, у бобиллик чопарларнинг нима учун бу аёлни қўлга олганликларини, айниқса, унинг ғалати муомаласини тушунолмай ҳайрон эди.

ҚУЛЛИК

Задиг Миср қишлоғига кириши биланоқ уни оломон ўраб олди ва:

— Аиә, гўзал Мисуфанинг ўғриси ва Клетофиснинг қотили! — деди бақира бошладилар.

— Жаноблар! — деди у. — Гўзал Мисуфанинг ўғирлашдан худо сақласин, у жуда терс аёл экан; Клето-

фиста келсак, тұзат Мисуфата раҳм қилишини илтимос қылғаным учун у мени ўлдирмоқчи бўлди. У Мисуфани шавқатсизларча калтаклаётган эди. Мен ўзга юртликман, Мисрга бошпана излаб келгандам. Наҳотки, мусофири киши ўз ишини аёл ўтиришдан бошласа?!

Мисрликлар инсонпарвар эдилар. Задигни шақар башқармасига олиб боришиди. Аввал унинг ярасини боғлашди, сүнгра, ҳақиқатни аниқлаш учун Задигни ва хизматкорларини алоҳида-алоҳида сўроқ қилишди. Задиг қотил эмас деб тан олинди, лекин инсон қонини тўкканлиги учун қулликка маҳкум қилишди. Иккита туясини қишлоқ фойдасига сотиб, олтинларини одамларга бўлиб бердилар, ўзи ва ҳамрохини сотиш учун бозор майдонига қўйиб қўйдилар. Сеток исмли араб савдолашиб, уни сотиб олди, хизматкорининг оғир ишга яроқлилиги сабабли, унга қимматроқ тўлади; иккалалари ўртасида фарқ қолмаган эди: Задиг ўз хизматкорига бўйсунадиган бўлди. Уларнинг оёқларини битта занжир билан боғладилар ва савдогарнинг уйига равона бўлдилар. Йўлда Задиг хизматкорини юпатиб, сабртоқатли бўлишга даъват этди.

— Кўряпманки,— дерди Задиг хизматкорига,— ҳаётнинг менга бўлган ситамкорлиги сенга ҳам ўтмоқда. Шу вақтгача менинг ҳаётим ғалати бир тарзда кечмоқда: ургочи итни деб жарима тўлашга мажбур қилдилар, гриф туфайли қозиқча ўтказишлирига озгини қолди, подшоҳни мадҳ этиб ёзган шеърим учун ўлдириб юборишилирига оз қолди, маликанинг сариқ лентаси сабабли бўғмоқчи эдилар, мана энди, бир ҳайвон ўз жазманини калтаклагани учун сен билан мен қулмиз. Кел, ноумид бўлмайлик, балки буларнинг ҳаммаси яхшилик билан тугар. Араб савдогарларига қулсиз мумкин эмас экан, шу қулларнинг биттаси мени бўлсан нима бўпти? Мен ҳам шулар каби бир одамман-ку! Бу савдогар бераҳм кишига ўхшамайди ва ўз қулларини яхши меҳнат қилишини хоҳласа, улар билан ёмон муомалада бўлмайди.

Савдогар Сеток, икки кундан кейин, ўз қуллари ва туялари билан Арабистон саҳросига жўнади. Улар Хорив саҳроси яқинида туришарди. Йўл узоқ ва оғир эди. Задигнинг хизматкори туяларга юкни яхшироқ юклар, шунинг учун хўжайинига қараганда савдогарнинг

алоҳида ҳисобида турар ва унинг битта-яримта кичик имтиёзларидаған фойдаланаарди.

Туялардан бири Хоривдан иккى кунлик йўл юргач, ўлиб қолди. Унинг юкини қулларининг елкаларига ортишиди. Задиг ҳам ўз тегишини олди. Букчайиб бораётган қулларнинг аҳволини кўрган Сеток кула бошлади. Задиг бунинг сабабини тушунтиришга жазм қилди ва унга бошидан ўтганиларини гапириб берди. Ҳайрон қолган савдогар унга бошқача кўз билан қарай бошлади. Задиг савдогарда қизиқиш уйғотганини кўриб, бу ҳиссиётни Сетокнинг тижорат ишларига алоқаси бўлган нарсалар тўғрисидаги ҳикоялар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Металларнинг ва бир хил ҳажмдаги товарларнинг солиширма оғирлиги, баъзи ҳайвонларнинг хусусиятлари, улардан қандай фойда олиш йўллари ҳақида галирди. Қисқаси, у Сетокка ҳақиқий дошишманд бўлиб кўринди. Энди унга илтифот кўрсатди. Бу ишдан кейинчалик пушаймон бўлмади.

Юртига қайтиб келган Сеток бир яхудийдан беш юз унция кумуш қарзини сўради. Лескин гувоҳлар вафот этишганди, яхудий қарзини тўлашдан бош тортди ва арабни шундай куйга соглани учун Оллоҳга шукроналар айтди. Сеток ўз дардини яқин маслаҳатчисига айланган Задигга айтди.

— Бу бетайинга беш юз унцияни қаерда берган эдингиз? — сўради Задиг.

— Хорив яқинидаги катта харсанг устида, — жавоб берди савдогар.

— Қарздорнинг одатлари қанақа?

— Товламачи!

— Қизиқонми ё тепса-тебранмасми? Эҳтиёткорми, снгилтакми?

— Билишимча, қарздорларим орасида энг қизиқонни.

— Яхши, — деди Задиг, — судда бу ишни ҳимоя қилишни менга рухсат этсангиз.

Яхудийни судга чақиртириши:

— Адолат тахтининг сұйынчиғи! — хитоб қилди Задиг ҳакамга. — Ҳўжайним номидан талаб қиласман: мана бу зот беш юз унцияни қайтарсан, уни тўлашдан бош тортмоқда.

— Гувоҳларингиз борми? — сўради ҳакам.

— Йүқ, улар ўлиб кетишиган. Аммо, устида пул санаб берилған харсанғтош бор, згар ҳазратларига малол кел маса, тошни олиб келишгә одам юборсанғиз. Ишона-манки, тош бу ҳақда гувохлик беради. Тошни келтир-гүйларича, яхудий билан мен шу срда ўтириб туралыз. Тошни олиб келиш харажатларини менинг хұжайиним, тұлайды.

— Жуда яхши,— деди ҳакам. Ва бошқа ишлар билан шүғулланди. Мажлис охирида Задигдан:

— Нима, тошни ҳали ҳам келтиришмадими?— сұради ҳакам.

Яхудий кулиб жавоб қилди:

— Агар жаноби олийлари бу ерда әртагача ўтирасалар ҳам барыбир тош келмайды, чунки бу ердан олти миль нарида, уни жойидан құзғатиш учун ўн беш киши кесрак.

— Мен сизга айтған әдім-ку,— қичқирди Задиг,— харсанғтош гувохлик беради деб: бу одам тошнинг қасрда әкәнлигини билади, десмак, пул харсанғтош устида санаб берилғанлигини тан олмоқда.

Шошиб қолған яхудий тезда ҳаммасини тан олишга мажбур бўлди. Ҳакам уни харсанғтошга боғлаб қўйишини, то беш юз унцияни тўламагунча, сув ҳам, овқат ҳам бермасликни буюрди. Яхудий зудлик билан пулни тўлади.

Шундан буён Задиг ҳам, харсанғтош ҳам бутун Арабистонда шуҳрат топди.

ГУЛХАН

Сармаст бўлған Сеток қулини ўзига яқин олиб, дўстона муомала қила бошлади. Бобил шоҳи сингари, у ҳам Задигсиз туролмасди. Сетокнинг хотини йўқлигидан Задиг беҳад курсанд эди. У ўз хўжайинида табиий хислатларни, тўғрилик ва соғлом ақлни кўрди. Аммо унинг қадимий араб одатига кўра, осмон лашкарлари — қуёш, ой ва юлдузларга сингинишини кўриб, қаҳри келди. Ниҳоят, у хўжайинига бү юлдузлар ҳам дараҳт ёки қоялар сингари жисмлардан бўлак нарса эмаслигини тушунтириди.

— Улар абадий мавжудотлар, ахир,— эътиroz билдириди Сеток,— биз фойда оладиган нарсаларнинг

ҳаммасини улар бизга ҳадя қиласидилар, табиатта ҳаёт бахш этадилар ва йил фаслларини бошқарадилар. Бундан ташқари, улар шу қадар йироқдирларки, уларга сиғинмасликнинг иложи йўқ.

— Сиз учун Қизил денгизнинг фойдаси кўпроқ, чуинки мол ортилган кемаларингизни Ҳиндистонга олиб боради. Нега энди сиз юлдузларпи Қизил денгиздан кўра қадимийроқ деб ўйлайсиз? Агар сиз ўзингиздан узоқ нарсага сажда қиласиган бўлсангиз, у ҳолда дунёнинг чистидаги гангаридалар ерига сажда қилинг!

— Йўқ,— деди Сеток,— улар шундай айтилганки, топинмасликнинг иложи йўқ.

Кеч кириши билан Задиг овқатланишлари керак бўлган чодирда кўп машъял ёқди. Хўжайини пайдо бўлиши билан ёниб турган машъаллар олдида тиз чўкди-да, шивирлади:

— Умрибоқий ва ярқироқ шамлар, менга доимо меҳр-шавқатли бўлингиз!

— Нима қиляпсиз, ўзи?— сўради Сеток ажабланиб.

— Сиз қилган ишни қиляпман,— жавоб берди Задиг.— Мен шамларга сажда қиляпман, уларнинг ва ўзимнинг хўжайинимга илтифотсизлик қиляпман.

Сеток бу сўзларининг чуқур маъносини англади. Қулшининг донишмандлиги унинг кўзини очди ва у, маҳлуқларга мадҳия ўқишга барҳам бериб, Яратганга сифина бошлади.

Ўша вақтларда Арабистонда даҳшатли бир удум бўлиб, у склирлардан қабул қилинган, лекин браҳманлар ёрдамида Ҳиндистонда кенг ёйилган ва бутун Шарққа тарқалиш хавфи бор эди. Эркак киши вафот қилса, хотини ҳам ўзини ўтга ташларди. Бу алоҳида байрам — бевалик гулхани, деб аталарди. Қайси қабилада ўзини гулханда ёқкан аёллар сони кўпроқ бўлса, ўша қабила ҳурматли ҳисобланарди. Сеток қабиласидан бир араб ўлгач, унинг Альмона исмли хотини, у жуда ҳам художўй эди, тантанали мусиқа садоси остида ўзини гулханга отадиган кунини ва соатини зълон қилди. Задиг Сетокка бу мудҳиш одатнинг инсоният учун нақадар зарарли эканлигини исботлай бошлади. Бу одат туфайли давлатга бола туғиб бериши ёки, ҳеч бўлмагандা, уни тарбиялаши мумкин бўлган ёш жувонларнинг умри беҳудага хазон бўлаётганини тушунтириди. У бу босмаъни удумни, иложи бўлса, йўқотишни таъкидлади.

— Мана, минг йилдан ошдики, хотинлар ўзларини гулханга ташлайдилар,— деди Сеток.— Замонлар ўтиши билан муқаддаслашган қонунни қайси биримиз ўзгартиришга юрак қила оламиз? Узоқ яшайдиган ян-глишишдан ҳам ҳурматлироқ бирон нарса борми?

— Инсон ақл-заковати ундан ҳам қадимиийроқдир,— зътиroz билдири Задиг.— Сиз қабила бошлиқлари билан гаплашинг, мени эса ёш беванинг олдига бораман.

Задиг беванинг олдига борди. У аввало аёлнинг гўзаллигини таърифлаш билан унинг меҳрини қозон-моқчи бўлди. Унинг вафодорлиги ва жасурлигига қойил қолганини, лекин шундай аёлнинг ўзини ўтда ёқиши босмаъни иш эканлигини тушунтириди.

— Бу тўғрида ўйлашнинг ўзи мени ларзага келтиради,— деди хоним, лекин бошқа чора йўқ: мен художўйман, гарчи эрим рашқчи, қўпол, ярамас одам бўлса-да, ўзимни ёқмасам, ҳамма менинг устимдан кулади ва шарманда бўламан.

Задиг аёлни ўзгалар ва орият гулханга итараётганини билиб олгач у билан узоқ суҳбатлашди ва оз бўлса ҳам ҳаётга муҳаббат уйготишга уринди.

— Агар орият сизни бу йўлдан қайтарса, нима қиласдинги?

— Уфф!— деди аёл.— Сизнинг менга уйланишингизни илтимос қиласмидим.

Задигнинг мияси ҳамон Астарта тўғрисидаги фикрлар билан банд эди, унинг таклифини қабул қилолмасди. Аммо у зудлик билан қабила бошлиқларининг ҳузурига борди, уларга бенва билан бўлиб ўтган суҳбатни галириб берди ва янги қонун қабул қилишни ва бу қонуига биноан аёлларга бирор ёш йигит билан камида бир соат суҳбатда бўлгандан кейингина ўзларини ёқишига ижозат берилишини маслаҳат берди. Шундан буён Арабистонда биронта ҳам аёл ўзини ёқмади. Неча асрлардан буён давом этиб келаётган бу бемаъни удумнинг бискор қилинганилиги учун ҳамма Задигдан миннатдор эди. Шундай қилиб, Задиг бутун Арабистоннинг мурувватли раҳнамосига айланди.

КЕЧКИ ОВҚАТ

Сеток Задигни ер юзининг барча бурчакларидан катта савдогарлар келадиган Бассора бозорига олиб борди. Бу Задигда сезиларли ўзғариш ясади: унинг назарида,

дунё Вассорада йигилган катта бир оила эди. Бу срга келган кунининг эртасига ёк мисрлик, Ганга бўйларидан келган ҳинди, чиройлик юон, кельт ва бошқа ўзга юртлилар билаи бир столда ўтиришга тўғри келди. Улар араб тилини мукаммал билишар, бир-бирлари билан эркин гаплаша олардилар. Мисрлик дарғазаб кўринарди.

— Қанақа бўлмағур шаҳар экан бу Бассора! — деди у. — Энг ишончли гаров эвазига менга минг унция олтин бермайдилар.

— Нега энди? — сўради Сеток. — Қандай гаровга сизга бу суммани беришяпти?

— Холамнинг жасади учун, — деди мисрлик, — у Мисрнинг энг жасур аёли эди. У менинг доимий ҳамроҳим эди. У йўлда вафот этди ва мен унинг жасадидан энг ажойиб мўмиё ясадим, ўз юртимда бу гаров учун истаган нарсами олишим мумкин эди.

Мисрлик қайнатилган товуқни емоқчи бўлиб турганда, ҳиндистонлик сўраб қолди:

— Нима қилмоқчисиз ўзи?

— Товуқни емоқчиман!

— Тўхтанг! — бақирди гангалик. — Марҳуманинг руҳи шу товуққа ўтган бўлиши мумкин, сиз ахир, ўз холангизни емасангиз керак? Товуқни қайнатиш табиатни ҳақорат қилиш демакдир.

— Биз ҳўқизга сифинамиз, лекин унинг гўштини еймиз, — деди мисрлик дарғазаб оҳангда.

— Ҳўқизга сифинасизлар? Бу мумкинми, ахир? — қичқирди ҳиндистонлик.

— Нега энди мумкин эмас — деди мисрлик. Бир юз ўттиз беш минг йилдирки, ҳўқизга сифинамиз, ҳеч ким бу нарсадан ёмонлик кўрган эмас.

— Ана холос, бир юз ўттиз беш минг йил эмиш! — деди ҳиндистонлик. — Сиз яширяпсиз! Ҳиндистонда одам яшаёттанига саксон минг йил бўлди, демак, биз сизларга нисбатан, албатта, қадимиյроқмиз. Сизнинг ақлинингизга ҳўқизларни кабоб қилиб ёзиш фикри келмасдан олдин бизга уларни истеъмол қилишини таъқиқлашган эди.

— Сизнинг қизиқчи Браҳманингизга бизнинг Апис билан беллашишга йўл бўлсин! — деди мисрлик. — У қандай бир дуруст иш қилди ўзи?

— У одамларни ёзиш ва ўқишга ўргатди. Шахмат ўйини учун улар Браҳмандан миннатдор бўлмоқлари керак!

— Сиз янглишяпсиз,— деди унинг ёнида ўтирган халдей. — Барча бу улуг ишлар учун биз Оаниесдан миннатдормиз ваadolат юзасидан фақат ўшани эъзозлашимиз керак. Унинг илоҳий мавжудот эканлигини ҳар қандай киши тасдиқлади. Ҳар куни у сувдан уч соатга чиқиб, одамларга ваъзхонлик қиласди. Ҳар бир кишига маълумки, Оаниес балигининг бир нечта ўғиллари бўлиб, улар кейинчалик шоҳ бўлишган. Менда унинг сурати бор ва унга керагича ҳурмат-эҳтиром кўрсатаман. Ҳўқизларни қанча бўлса сийш мумкин! Бунинг устига иккалангиз ҳам унчалик қадимий ва аслзода эмассизки, мен билан баҳслашсангиз. Миср халқи фақат бир юз ўттиз беш минг йилдан буён мавжуд, ҳиндлар саксон минг йиллик ҳаётлари билан мақтанишлари мумкин, бироқ бизнинг тақвимимиз тўрт минг асрни ўз ичига олади. Менга ишонингизлар, ўзингизнинг бемаъни сафсатангиздан воз кечингиз ва мен сизнинг ҳар бирингизга Оаниеснинг тасвирини бераман.

· Шунда суҳбатга Камбулу вакили аралашди ва деди:

— Мен мисрлilarни, холдейларни, юнонларни, кельтларни, Браҳманни, Апис ҳўқизини, гўзал Оаниес балигини жуда ҳурмат қиласман. Ваҳоланки, Ли ёки Тянь¹, қандай хоҳласангиз, шундай атанг, сизларнинг ҳўқиз ва балиқларингиз билан баравар туради. Мен ўз мамлакатим ҳақида гапирмоқчи эмасман: у Мисрдек улкан, Халдея ва Ҳиндистонни қўшиб ҳисоблаганда улардан каттадир. Мен келиб чиқишнинг қадимийлиги тўғрисида баҳслашмоқчи эмасман, чунки муҳими бахтили бўлишдир, уруғнинг қадимийлигининг эса аҳамияти йўқ. Тақвимлар масаласига келсак, айтишим мумкинки, бутун Осиёда бизнинг тақвимларимиз қабул қилишган биз улардан фойдаланганимизда, халдейликлар ҳали риёзиётни билмас эдилар.

— Сиз ҳаммангиз нодонсиз!— қичқирди юон. Наҳотки, ҳамма нарсанинг отаси хаос эканлигини, шакл ва материя дунёни ҳозирги ҳолатга келтирсанлигини билмасангиз?

Мунозара давомида сал ортиқча отиб олган ва ўзини бошқалардан кўра ўқимишлироқ деб ҳисоблаган келт

¹Хитойча Ли — ёруғлик, шур, ақл-заковат, Тянь — осмон кўзлари бўлиб, "илоҳиёт" маъносида ишлатадилар.

жини таинин бўлди. У қасам ичиб айтдики, Тейтат ва тоғарда ўсувчи омелагина улар ҳақида гапиришга арнани. У чўнтағида ҳаммавақт омеласи борлиги, скиф-шар, унинг ота боболари, ср юзидағи энг тўғри — ҳалол одамлар бўлганлиги, уларнинг одамхўр бўлмаганликлари ҳақида гапирди ва ниҳоят, кимки Тейтат тўғрисида ёмон фикрда бўлса, унга кўрсатиб қўяжаги тўғрисида ҳам пўписа қилди.

Баҳс жиддий тус олди: Сеток қон тўкилишидан хавфсирай бошлади. Шу пайтгача сукут сақлаб ўтирган Задиг ўрнидан туриб, аввало, кельтга мурожаат қилиб, унинг юз карра ҳақ эканлигини айтди-да, ундан омела сўради. Сўнгра юоннинг потиқлук санъатини мақтади ва секин-аста сув сепиб қизиган даврани совутди.

Хитой бошқалардан оқилроқ әди, унга бир исча сўз кифоя қилди. Ниҳоят, задиг уларга қараб:

— Дўстлар, сизлар беҳудага баҳслашайпсизлар, не-таки ҳаммангиз бир фикрдасизлар,— деди. Бу фикрни ҳамма бирдан рад этди.

— Сиз омелага эмас, балки уни ва дубни яратганга сажда қиласиз, шундай эмасми?— сўради Задиг кельтга.

— Шундай!— жавоб берди кельт.

— Сиз бўлсангиз, жаноб мисрлик, ҳўқиз сизга бир тухфа эканлигини билсангиз керак?

— Ҳа,— деди мисрлик.

— Оаннес балиғи,— давом этди Задиг,— биринчиликни денгизни ва балиқларни яратганга бериш керак.

— Розиман!— деди ҳалдсей.

— Ҳинди ҳам, хитой ҳам,— қўшиб қўйди Задиг,— сизга ўҳшаб, қандайдир бош сабабни тан оладилар. Мен юонон баён қилган, таҳсинга лойиқ фикрларни унчалик яхши тушунолмаган бўлсам-да, аммо ишонаманки, у ҳам ўзига шакл ва материяни бўйсундирган олий мавжудотни тан олмоқда.

Бошқалар ҳам юоннга тахсии ўқимоқда эдилар. Задиг меннинг фикримни аъло даражада тушунибди, деб жавоб берди.

— Шундай қилиб, барчангиз бир фикрдасиз,— деди Задиг. — Демак, мунозара қиласиган нарсанинг ўзи йўқ.

Ҳамма уни қучоқлади. Сеток ўз молларини яхшигина пуллагач, Задиг билан ўз қабиласига қайтди. Задиг у срда ўзининг суд қилинганини, секин ёнадиган ўтда куйдирилишга ҳукм чиқарилганини билди.

УЧРАШУВ

Задигнинг Бассорага саёҳати пайтида коҳинлар уни жазолашга қарор қилишди. Улар гулханга жўнатадиган ёш тул хотинларнинг қимматбаҳо тош ва безаклари қонуний равишда уларга тегарди. Задигнинг аччиқ ҳазили учун уни оловда ёқиши ҳам камлик қиларди. Шу туфайли улар Задигни осмон ёритқичларига нисбатан даҳрийликда айбладилар ва унинг гўё юлдузлар денгизга ботмайдилар, деб тасдиқлаганини эшигидик, деб қасам ҳам ичдилар. Бу куфлик ҳакамларни ларзага келтирди. Бу гуноҳ сўзларни эшигтан судялар ўз кийимларини қийма-қийма қилишларига оз қолди, Задигнинг бу кийимлар учун тўлайдиган нарсаси бўлганда, шундай қилардилар ҳам. Дардли алам хуружида, уни секин ёнадиган ўтда ёқишига ҳукм қилиш билан кифояланиб қолдилар. Умидсизликка тушган Сеток дўстини қутқариш учун ўзининг бутун куч-ғайратини ишга солди, аммо уринишлари бефойдалигини айтиб, уни тинчлантиришга муваффақ бўлдилар. Задигдан қарздор бўлган ва унга жуда боғланниб қолган ёш бева Альмона уни гулхандан қутқариб қолишига азму-қарор қилди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан пухта режа тузди. Задиг эртасига эрталаб қатл этилиши лозим эди, уни қутқариш учун Альмонанинг ихтиёрида бир кеча бор эди.

У чиройига чирой қўёшиш учун ўзига зеб берди, нафис кийимларини кийди. Олий юлдузлар коҳинидан ўзини шахсан қабул қилишини сўради. Бу ҳурматли қария олдига келгач, у шу сўзлар билан мурожаат этди:

— Катта Айиқнинг катта ўғли, Бузоқнинг оғаси, Катта Итнинг амакиваччаси (бу руҳонийнинг номлари шунаقا эди), мен сизга ўзимни қўрқув ва шубҳаларимни айтмоқчиман. Қадрдон эримнинг орқасидан гулханга чиқмай катта гуноҳ қилиб қўйдимми деб ваҳимадаман. Ҳақиқатан ҳам мен нимани ҳам асрарим керак эди? Мана сўлигига ва бузилаётган жасадними?— Шундай деб, узун шойи енгларини шимарди ва кўзни маҳлис этадиган оппоқ билакларини кўрсатди.

— Кўряпсизми, улар ҳатто қараашга ҳам арзимайди.

Лекин олий коҳин, жуда арзийди деб ҳисоблади, ҳатто умримда бундай гўзал қўлларни кўрмаганман, деб қасам ичди.

Қўллар унчалик эмасдир, лекин, ишонинг, кўкракка сира ҳам афсусланмайман,— деди у ва оппоқ, бўлиқ, этни жунжиктирувчи сийнасини очди.

Унинг сийнаси олдида фил суюгидан ясалган гунча шамшод хира тортар, эндигина ювилган қўзичалар ифлос-сариқ бўлиб кўринарди. Ишқий лаззатга ташна шаҳло кўзлар, гулгун ёноқлар, пўрсилдоқ лаблар қариянинг эҳтиросини жунбушига келтириди, у ўзини гўё йигирма ёшлик йигитдек ҳис қилиб, унга талпинганини сезмай қолди. Унинг ёнаётганини кўрган Альмона Задигни авф этишини илтимос қила бошлади.

— Афсус, гўзал хоним,— деди олий коҳин,— уни авф этиш учун буйруқ менинг яна учта ҳамкасбим томонидан имзоланиши лозим.

— Имзо чекинг ҳар ҳолда!— деди Альмона.

— Бажонидил,— жавоб берди коҳин,— фақат битта шартим бор: снгилтаклигим учун мени ўз муруватингиз билан мукофотлайсиз.

— Сиз менга катта илтифот кўрсатяпсиз,— деди Альмона.— Қуёш ботиб уфқда Шит юлдузи пайдо бўлгач, менинга келсангиз, нима хоҳласангиз, шунга розиман.

Альмона у ердан бош коҳиннинг имзоси қўйилган қоғоз билан чиқди. Муҳаббат орзусида қолган ва ўз кучига ишонмаган қария куннинг қолган қисмини юваниш билан ўтказди. Цейлон долчини ва Тидор ҳамда Тернатнииг қимматбаҳо дориворларидан қилинган ичимликдан истеъмол қилгач, Шит юлдузининг пайдо бўлишини сабрсизлик билан кута бошлади.

Гўзал Альмона иккинчи коҳинни ҳам излаб топди.

Коҳин унинг қусш, ой ва барча самовий ёритқичлардан гўзалроқ, нурлироқ эканлигини айтиб, у ҳам дил изҳорини билдириди. Альмона қоғозга қўл қўйдириб олгач, у билан Алжануб юлдузи чиққанда учрашишга келишиди. Унинг олдидан чиққач, учинчи ва тўртинчи коҳинникига борди, уларнииг ҳар бирининг имзосини олди ва бошқа юлдузларнииг чиқишига қараб улар билан учрашув тайинлади. Шундан сўнг уйига қайтди ва бу ерга таклиф этилган ҳакамларга тўртта имзони кўрсатди ва қандай мукофот эвазига коҳинлар Задигнинг авфини сотганларини айтди. Кейин коҳинлар бирин-кетин тайинланган вақтда пайдо бўлишиди: ўз ҳамкасларини, хусусан, ҳакамларни кўриб, тош қотдилар; Задиг қутқарилди, Альмонанинг топқирлигига қойил қолган Сеток унга уйланди.

Ўз халоскорини тавоб қилгач, Задиг жўиаб кетди. Сеток билан хайрлашастиб, абадий дўст бўлиб қолишга

қасамёд этишиди, қайси бирлари бирипчи бўлиб шуҳрат ва бойликка ёришса, бошқасини хабардор қилишга ваъдалашишиди.

Задиг Суря томонга йўл олди. У ҳамон баҳтиқаро Астарта тўғрисида ўйларди.

— Бу қанақаси бўлди?!— деди у. — Итнинг чопиб кетаётганилигини кўриб қолганим учун менга тўрт юз унция олтин бердилар! Подшоҳни куйлаган тўрт қатор ёмон шсьрим учун ўлимга маҳкум этилдим! Маликанинг туфлисинг ранги қалпоғимнинг рангига ўхшаганилиги учун бўғиб ўлдиришларига сал қолди! Калтак сўстган аёлни қутқарганлигим учун қул қилиб сотдилар: гулханда ёқмоқчи эдилар, мўъжиза билан тирик қолдим, чунки мен барча бева араб хотинларининг ҳастини асраб қолдим!

ҚАРОҚЧИ

Задиг Тошлоқ Арабистоннинг Сиря билан чегара-сига стиб келди. Мустаҳкам бир қалъа ёнидан ўтаётганида, қуролли араблар Задигни ўраб олишиб: "Сизнинг ҳамма нарсангиз бизники, ўзингиз эса, хўжайнимизники бўласиз!" деб ҳайқиришиди. Жавоб ўрнига Задиг қиличини суғурди, жасур хизматкор ҳам шундай қилди. Қўл кўтарган биринчи арабларни сртишилатишиди. Ҳужум қилувчилар сони икки баравар кўпайди, лекин йўловчилар руҳан тушмадилар ва қўлда қурол билан ҳалок бўлишга аҳд қилдилар. Икки киши бутун бир тўдадан ўзини ҳимоя қиласарди. Бундай тенгиз жанг узоққа чўзилмади. Қалъанинг Арбогад исмли хўжайнини Задигнинг мардлигини кўриб, ўз одамларини қувиб юборди ва уларни қутқарип қолди.

— Қўлимга тушган ҳамма нарса меники,— деди у. Лекин сизнинг мардлигиниз туфайли ҳеч нимангизга тегмайман. Задигни қалъага олиб келиб, ўз одамларига у билан яхши муомала қилишни тайинлади, кечқурун эса Задигни овқатга таклиф қилди.

Қалъанинг хўжайнини ўғри лақабли араблардан эди, кўплаб ёмонликлар билан бир қаторда баъзан яхшиликлар ҳам қилиб турар, энг муҳими, очиқ кўнгилли киши эди. Задиг унга жуда ёқиб қолди.— Менга ишга киришингизни маслаҳат бераман— таклиф қилди Арбогад.— Сиз бунга афсусланмайсиз, чунки менинг касбим

даромадли касб, вақти кеслиб, меникідан кам бўлмаган
мансабга Эришишингиз мумкин.

— Сўрашга изн берсангиз,— деди Задиг, сиз бу олий-
жаноб касб билан кўпдан машгулмисиз?

— Эрта болалагимдан бошлаб бир чапдаст арабнинг
хизматкори эдим,— жавоб берди у. — Менинг аҳволим
чида бўлмас даражада эди. Барчага баравар тегишли
бўлган заминда тақдир мен учун ҳеч нарса қолдирма-
ганини кўриб умидсизланардим. Кекса араб менга:
“Умидсизланманг, ўғлим. Бир замонлар битта қум за-
рраси мен ҳеч нарса эмасман деб зорланди. Неча йиллар
ўтгач, у олмосга айланди ва ҳозирги кунда ҳинд подиоси
тожининг энг гўзал безаги ҳисобланади”. Бу сўзлар менда
кatta таассурот қолдирди: мен қум зарраси эдим, олмос
бўлишга қарор қилдим. Ишни иккита отни ўғирлашдан
бошладим, кейинчалик ҳамтовоқлар йигиб, кичик-кичик
карвоинларни талай бошладим. Шу йўсинда мен ўзим ва
ўзгалар орасидаги муносабатлар тенгсизлигини бартараф
қилдим. Бу дунё нозу-несъматларидан мен ўз улушимни
олдим ва ҳатто керагидан ортиқроқ тақдирландим. Мен
қароқчи-хўжайнинман, менга катта ҳурмат билан қарай-
дилар. Қурол ёрдамида мен бир қальяга эга бўлдим. Су-
риялик ҳоким уни мендан тортиб олмоқчи бўлди, лекин
энди шунчалик бой эдимки, ҳеч нарсадан қўрқмасдим.
Мен ҳокимга пул бердим ва нафақат қальани қўлимда
сақлаб қолдим, балки ср-сув, мол-мулкини кўпайтирдим.
У ҳатто мени ўлпон йигувчи қилиб тайинлади. Ҳозир
ўлпон йигаман, лекин ўзим тўламайман.

Кунларнинг бирида Бобилнинг буюк Дестерхам шоҳи
Моабдор номидан қандайдир ҳокимчани мени бўғиб
ўлдириш учун юборди. У стиб келмасдан ҳамма нар-
садан хабар топгандим. Унинг кўз ўнгидага ҳаётимга қасд
қилган тўрт нобакорни бўғиб ўлдиришга амр бсрдим ва
сўнгра, унга бу топшириқ учун қанча тўлашини
сўрадим. Уч юз олтингача олишини айтди. Менга хиз-
мат қилсанг, бундан бир неча хисса кўпроқ тўлайман,
дедим. У рози бўлди: уни ўринбосар қилиб тайинладим.
Ҳозир у менинг энг яхши ва энг бой ёрдамчиларимдан
биттаси. Менга ишонаверинг, сиз ундан кўпроқ муваффақиятга
эришасиз. Ҳеч қачон ўғрилик учун ҳозиргидай
қулай пайт бўлган эмас, чунки Моабдор ўлдирилган ва
Бобилда тартибсизлик ҳукмрон.

— Нима? Маобдор ўлдирилганми?— қичқириб юбор-
ди Задиг. — Малика Астартачи, унга нима бўлган?

— Билмайман,— жавоб берди Арбогад,— ёлғиз шуни биламанки, Маобдор ақлдан озган, у ўлдирилган, Бобил ҳақиқий қароқчилар маконига айланган, мамлакат ҳувиллаб қолган, мен у ерга бир исчта ажойиб босқинлар қилдим.

— Бироқ малика?— зорланди Задиг,— худо ҳаққи, унинг тақдири ҳақида ҳеч нарса билмайсизми?

— Гиркания шаҳзодаси ҳақида нимадир дейишганди,— жавоб берди у.— Агар тўс-тўполонда ўлдиримаган бўлса, чорвага олинганилар орасида бўлса ажаб эмас. Мени ғийбатдан кўра кўпроқ ўлжа қизиқтиради. Босқинлар пайтида мен кўплаб хотинларни асирилкка олардим, лекин биронтасини ҳам ўзимга қолдирмаганман. Гўзалларини қиммат нархда сотаман. Малика Астартани ҳам мени сотиб юборгандирман, балки вафот этгандир, бунинг менга қизиги йўқ ва, ўйлайманки, унинг Сиз учун ҳам ҳеч қанақа аҳамияти йўқ.

Задиг қимиirlамасдан ўтирап, маъюс ва эзилган эди. Арбогад ичишдан ва турли ҳикоялар айтишдан тўхтамас, тинмасдан одамларнинг энг баҳтлиси эканлигини такрорлар, Задигни ҳам ўзидаи баҳтиёр бўлишга ундарди. Охири винодан боши гангид, ухлаб қолди.

Задиг тунни қаттиқ ҳаяжонда ўтказди. "Демак,— деди у ўзига ўзи,— шоҳ ақлдан озган, ўлдирилган!.. Унга ачинмасдан иложим йўқ! Давлат таназзулга юз тутган, бу қароқчи эса баҳтиёр! Оҳ, пешона! Оҳ, тақдир! Уғрининг толеи баланд, табиат яратган энг гўзал мавжудотлардан бири, эҳтимол энг даҳшатли бир тарзда ўлгандир, ёки ўлимдан ҳам оғирроқ шароитда яшаётгандир. Эҳ, Астарта! Сизнинг аҳволингиз қалай?"

Тонг оқариши биланоқ у қалъа яшовчиларини сўроққа тува бошлади. Бироқ, ҳамма банд эди, ҳеч ким унга жавоб бермади: улар тунги ўғирликдан кейинги ўлжани бўлиш билан овора эдилар. Ҳар қачонгидан кўра ғамгин ўйларга толган Задиг кестишга рухсат олиб йўлга тушди. У тўхтовсиз баҳтсиз Астарта, Бобил шоҳи, содиқ Кадор, баҳтли Арбогад, Миср чсгарасида бобилликлар томонидан ўғирланган терс аёл ва алҳосил, бошидан кечирган барча баҳтсизликлари ва дарду-аламлари тўғрисида ўйлар эди.

БАЛИҚЧИ

Баҳтсизлигидан қайгуриб, чўлу-биёбон ошиб юрган Задиг Арбогад қалъасидан бир исча миль нарида оқаёт-

ган дарё лабига келиб қолди. Қирғоқда нимжон қўлида тўр ушлаган балиқчи осмонга тикилиб ётарди.

— Бу дунёда мендан ҳам баҳтсизроқ киши борми-кан?— деди у. Ҳамма тан олганидек, қаймоқли пишлоқ билан савдо қилувчи Бобил савдогарларининг энг омадлиси мен эдим. Менинг гўзал хотиним бор эди, у менга хиёнат қилди; омонатгина уйим бор эди, уни кўз олдимда ғорат қилдилар ва буздилар. Тамом хонавайрон бўлдим. Энди эса чайлада тураман, ягона овқатим — балиқ, лекин бундан ҳам омадим кетди, балиқ илинмай қўйди. О, менинг тўрларим! Мен сизни сувга бошқа ташламайман, ўзимни ташлайман,— шундай деб у ўрнидан турди ва дарёга томон йўл олди.

— Мен неларни кўряпман!— ҳайрон бўлди Задиг. — Демак, мен каби баҳти забун кишилар бор экан-да! У ютуриб бориб, балиқчини тўхтатди, мулоийимлик билан ҳол-аҳвол сўради ва юлатди. Ўзгаларнинг дарди-алами-ни кўрган киши ўзини унчалик баҳтсиз ҳис қилмайди. Зардуш фикрича, бу кишининг қалб кечинмасига боғлиқ. Баҳтсиз кишиларнинг кайфиятлари бир-бирла-рига ўхшаш бўлганилиги учун ҳам улар бир-бирларига яқин тортадилар ва икки қалб бир жуфт дараҳтдек, бир-бирига суюниб, бўронга қарши турадилар.

— Нега ғамнинг устун келишига йўл қўймоқдасиз?— сўради Задиг балиқчидан.

— Чунки мен бошқа йўлни кўрмаяпман,— жавоб берди у.— Мен Бобил атрофидаги Дерльбак қиши-логининг кишиси эдим, хотинимнинг ёрдамида бутун давлатда машҳур бўлган энг яхши қаймоқли пишлоқлар тайёрлар эдим. Малика Астарта ва машҳур вазир Задиг бу пишлоқларни жуда ҳам хуш кўтар әдилар. Мен уларга олти юзта пишлоқ сотдим. Бир куни Бобилга жўнадим — уларнинг пулини олмоқчи бўлдим ва итти-фоқо билдимки, малика Астарта ва Задиг йўқолиб қол-ганмиш. Мен жаноб Задигнинг уйига югурдим, уни шу чоққача кўрмаган эдим; у ерда буюк Дестерламнинг полицайларини учратдим. Улар қўлларида подшоҳнинг буйруғи билан, қонуний асосда ва тартибли равишда унинг уйини таламоқда әдилар. Сўнгра, маликанинг ошхонасига югурдим: у срда баъзи шоҳ ошпазлари уни ўлган десса, бошқалари қамоқда, учинчилари эса, уни қочиб кетган дейишарди, аммо ҳаммалари бир овоздан пишлоқ учун ҳеч нима тўланмаслигини таъкидладилар.

Хотиним билан жаноб Орканникига бордик, у менинг доимий харидорларимдан эди. Биз ундан ёрдам кўрсатишини илтимос қилдик. У хотинимга ёрдам берди, менга рад жавоб қилди. Хотиним, қаймоқли пишлоқдан ҳам оқроқ эди, менинг мусибатларим ана шундан бошланди, ҳатто энг қирмизи анорнинг ҳам унинг юзлари олдида ранги ўчарди. Шу боисдан Оркан уни уйида қолдириб, мени қувиб юборди. Мен азизамга илтижо қилиб мактуб битдим, у эса мактубни элтувчига: "Ҳа, ҳа! Мен биламан, ким ёзган бу мактубни, уни қаймоқли пишлоқлар устаси, деб эшигтанман. Менга пишлоқларидан юборсин, ҳақини тўлайман", — дебди.

Қайғу-аламда қолгач, судга мурожаат қилдим. Менда олти унция олтин қолганди: унинг иккитасини маслаҳат олганлигим учун қонунишуюсга, иккитасини менинг ишим билан шуғулланган прокуроррга ва иккитасини бош ҳакам котибига беришга тўғри келди. Менинг ишим бошланмасдан, пишлоқларим ва хотинимни ҳам бирга қўшиб ҳисоблагандা, кўпроқ чиқум қилдим. Хотинимни қайтариб олиш ниятида уйимни сотай деб қишлоғимга қайтиб келдим.

Уйимни шошилинч сотишим кераклигини ҳамма кўриб турагар, уни олтмиш унция олtingга сотиш ниятида эдим. Мен мурожаат қилган биринчи одам ўттиз унция, иккинчиси — йигирма, учинчиси ўн унция олтин таклиф қилди. Фам-аламдан гангіб, рози бўлишимга оз қолди. Лекин худди шу лаҳзада Гиркания шоҳи Бобилга бостириб кирди ва йўлида учраган ҳамма нарсани ёқди ва қиличдан ўтказди. Уйимни аввал горат қилдилар, сўнгра ёқиб юбордилар.

Хотиним, уйим, пулларимдан ажралгач, шу ўлкаларга келиб қолдим. Кўриб-турганишгиздек, менинг устимдан кулмоқдалар. Очликдан ўладиган ҳолатдаман. Сиз бўлмаганингизда, мени аллақачон ўзимни дарёга ташлардим.

— Демак, маликанинг тақдири ҳақида ҳеч нарса билмайсиз?

— Йўқ, жаноб,— жавоб қилди балиқчи,— мени фақат шуни биламанки, малика ва Задиг қаймоқли пишлоғимнинг пулинин тўламадилар, хотинимни мендан тортиб олдилар ва ҳозир ноилож аҳволдаман.

— Ишончим комилки,— деди Задиг,— пулларингиз йўқолмайди. Менга ўша Задиг ҳақида гапиришган, уни

ҳалол одам дейишганди. Агар у Бобилга қайтса, у бунга ишонади, қарзини ортиғи билан тұлайды, хотинингиз ма-саласига келсак, у үнчалик тоза ҳам эмас экан, уни яна қидириб юришни маслаҳат бермайман. Менга ишонинг, Бобилга йўл олинг, сиз яёвсиз, мен отда сиздан олдин етиб бораман. Ўша машҳур Кадорга учрашинг, унга дўстингизни учратдим денг ва мени униқида кутинг. Жўнанг. Бир умр баҳтсиз бўлиб қолмайсиз. Эй, қудратли Оромазд,— давом этди Задиг,— бу одамиюпатиш учун сиз мени сайладингиз, мени юпатиш учун эса кимни сайлайсиз?— Шундай деб, Арабистондан келтирилган пулининг ярмини балиқчига берди, ҳайратда қолган ва боши осмонга етган балиқчи унинг оёгларини ўпаркан: "Сиз фаришта — менинг ҳалоскоримсиз!"— деди ўпкаси тўлиб.

Шу аснода Задиг Бобил ҳақида суриштиришда давом этди.

— Наҳот, сиз ҳам баҳтсиз бўлсангиз, жаноб?!— деди балиқчи.

— Сендан кўра юз карра шўрпешонаман!— жавоб берди Задиг.

— Сахийдан тиланчи баҳтлироқ бўлиши мукинми, ахир?— давом этди тушунолмай соддадил балиқчи.

— Гап шуңдаки,— жавоб берди Задиг,— сенинг баҳтсизлигинг — муҳтожлик, менини эса ўз қалбим, дардимдир.

— Оркан хотининги изни тортиб олгани йўқми?— сўради балиқчи.

Бу Задигга унинг оғир кўргуликларини эслатди, маликанинг ургочи итидан бошлаб то қароқчи Арбогад билан бўлган учрашувгача тортган мусибатларини бирма-бир хаёлидан ўтказди.

— Ҳа,— деди у балиқчига қараб,— Оркан жазога мустаҳиқ бўлмоғи лозим, ваҳоланки, худди шундай кишилар тақдирнинг муруватидан баҳраманд бўладилар. Қандай бўлмасин, жацоб Кадорнинг олдига бор ва униқида мени кут.

Улар ажralишилар: балиқчи ўз тақдиридан миннатдор, Задиг эса, норози эди.

КАЛТАКЕСАК

Бир яйловга етиб келган Задиг ниманидир қидирайтган хотинларни кўрди. Аёллардан бирига яқин бориб қидириув ишларинингда ёрдам беролмайманни, деб сўради.

— Худо сақласин,— деди сурялил аёл,— биз қидиретгән нарсага фақат аёллар құл теккизишлари мүмкін.

— Жуда ғалати-ю,— деди Задиг. Фақат аёллар құл теккизиши мүмкін бўлган нарса нима экан?

— Калтаксек!— жавоб берди у.

— Калтаксек? Марҳамат қилиб айтсангиз, уни нима учун қидирияпсизлар?

— Давлатпаноҳимиз ва ҳукмдоримиз Огул учун. Ана унинг саройи, яйловнинг охирида, дарёниг нариги томонида, қирғоқда. Биз унинг камтарин қулларимиз. Жаноб Огул бетоб, табиб унга гулобда қайнатилган калтаксекни сийшни буюрган, бу жонивор жуда ноёб бўлганлиги ва уни фақат аёллар тутиши мүмкинлиги туфайли Огул қайси биримиз унга калтаксекни келтирсак, ўшани ўзининг севимли хотини қилишга сўз берди. Агар малол келмаса, қидиришимга халал бермасангиз, албатта, агар дугоналарим мендан олдин топиб боришича, қанча нарса йўқотишимни ўзингиз тушунасиз.

Задиг сурялил аёлга ва унинг дугоналарига калтаксекни қидиришга халал бермади ва йўлида давом этди. У кичик бир ирмоқ бўйига стиб келгач, ҳеч нарса изламасдан, қўшида ётган бир аёлга кўзи тушди. Унинг кўриниши улуғвор, юзига парда тортиғлиқ эди. У сувга қараб эгилганча турар, оғир-оғир уф тортарди. Қўлидаги кичик таёқча билан қум устида қандайдир ҳарфларни чизарди. Задиг аёлнинг нима ёзётганини билишга қизиқди. У яқинроқ борди, аввал "З", сўнгра "а" ҳарфларини кўрди. Бу уни ажаблантириди. Сўнгра "д" пайдо бўлди. У қалтираб кетди. Ўз исмининг икки ҳарфини кўрганда, ҳайратининг чеки йўқ эди. Бир лаҳза у қотиб қолди, сўнгра титроқ овозда:

— Марҳаматли хоним, тақдир таъқиб қылувчи, мен нотанишни авф этсангиз, сиздан бир нарсани сўрашга журъат қилмоқчиман: қандай гаройиб тасодиф туфайли сизнинг илоҳий қўлларингиз "ЗАДИГ" номини ёзди?

Аёл қўллари қалтираб юзидағи ҳижобни кўтарди: Задигни кўриб ҳайратдан, муҳаббат ва шодликдан қичқириб юборди ва кучли эҳтиосларни кўтаролмай, ҳушдан кетди. Бу Астарта — Бобил маликаси эди, бу ўша Задиг севган аёл, уни изтиробга соглан фаришта эди. Задиг уни деб қанчалар қайғуларга ботмади.

Эй, ожиз бандалар тақдирини белгиловчи, сиз, қудратли худолар! Наҳотки, менга Астартани қайтармоқда-

сиз? Қачон, қайси жойда, қайси шароитда мен уни күрмөдаман! — Шу сўзлар билан у Бобил маликаси-нинг олдида тиз чўки ва пешонасини унинг пойига қўйди. Бобил маликаси Задигнинг бошини кўтариб, уни ёнига ўтказди. Астарта кўзларидан оқаётган қувонч ёшларини тез-тез артар, гапирап, қандай тасодиф билан келиб қолганини сўпар ва уни жавоб беришга ҳам қўймасдан, янги-янги саволлар берар, ўз мусибатлари ҳақида сўзларди. Задиг кулфатлари ҳақида қисқа гапириб берди.

— Аммо, сиз, ҳурматли маликам, қандай қилиб бу ерларга, чекка жойларга келиб қолдингиз?

— Улар ҳозир калтакесак излайверишишсан, — деди гўзал Астарта.— Мен сизга чеккан барча изтиробларимни ва сизни яна кўришга имкон бергани учун тангридан миннатдор эканлигимни сўзлаб берсман. Маълумингизким, саройда сизнинг энг ардоқли одам бўлганингиз шоҳга, менинг эримга ёқмасди. Шу сабабдан сизни бўғиб ўлдиришга, мени заҳарлашга азму-қарор қилдилар. Сиз, шунингдек яна биласизки, менинг гунг паканамни оллоҳ бу фожиадан хабардор қилди. Содиқ Кадор, менинг иродамни бажаришга ва жўнаб кетишга сизни қўндиригач, тун ярмида яширин йўл билан менинг олдимга келди ва мажбуран Оромазд маъбадига олиб борди. Бир коҳин мени у ерга яширди. Мен яширган жой ибодатхонанинг пойдеворига, боши эса, гумбазига тегиб турарди. Ўзимни гўё гўрдагидек ҳис қилдим. Менга коҳин хизмат қилди, ҳеч нарсага муҳтоҷлик сезмасдим. Бу орада эрта саҳарда ҳазрати олийларининг дори тайёрловчи табиби заҳар олиб, ётоқхонамга киради. Шоҳнинг шахсий соқчиларидан бири кўк шойи арқон билан сизникига боради. Лекин ўзингиз билганингиздек, мени ҳам, сизни ҳам топишолмайди. Кадор шоҳни дурустроқ алдаш мақсадида иккаламизни айбловчи сифатида чиқишига қарор қилди. У сизни Ҳинд, мени эса Мемфис томонга йўл олишган, деди: сиз ва менинг орқамдан изқуварлар жўнатилади.

Чопарлар мени танишмасди, чунки сиздан бошқа ҳеч ким юзимни кўрмаганди. Миср чегарасида қаддиқомати менинига ўхаш, жозибадорроқ аёлни кўриб қолишади. Аёл кўз ёшлиари тўкар, ғамли изтиробда эди. Уни Моабдор қолишига кслтирадилар. Дастваб шоҳ чопарлардан қаттиқ газабланади, лекин, аёлга жиддийроқ

назар солиб, гўзалигини кўргач, таскин топади. Унинг оти Мисуфа бўлиб, мен кейинчалик унинг миср тилида "нозли гўзал" деган маънони билдиришини билиб олдим. Мисуфа Маобдарга ёқиб қолади. У шоҳни қўлга олади ва охири, уни хотиним деб эълон қилишга мажбур бўлади. Аста-секин ҳақиқий фсъл-автори намоён бўла бошлайди: у хаёлига келган истагининг ижро этилишини талаб қиласади. Бир куни у оёқ-қўллари зирқираб оғрийдиган кекса бош коҳиннинг рақста тушишини талаб қиласади. Коҳин унинг талабини рад этади, натижада таъқиб остида қолади. Сўнгра отбоқарлар бошлиғига мураббولي пирог пиширишини буюради. У пирог пиширолмайман деб қанчалик ялинимасин, барибир буйруқни бажаришга тўғри келди ва пирогни куйдирганини учун қувив юборилади. Отбоқар ўрнига ўз миттивойини, девонхона бошлиғи ўрнига бир маҳрамни тайинлади. У Бобилни шу тариқа идора қилди. Ҳамма мени эслаб афсусланарди. Шоҳ ҳам ўзининг барча яхши хислатларини гўзал хонимининг нозу-таманиноларига бўлган эҳтиросларига кўмган эди.

Муқаддас олов куни шоҳ ибодатхонага келди. Мисуфа учун тоат-ибодат қилди. Мен: "Худолар ақлли хотинини ўлдирмоқчи бўлган шоҳнинг тоат-ибодатларини қабул қилмайдилар", — деб бақирдим.

Моабдор бу сўзлардан эсини йўқотди ва бир неча кундан кейин ақлдан озди.

Бобилликлар уни худо жазолади, деб ҳисоблашди. Халқ қўзгалиб, қўлига қурол олди. Узоқ йиллардан бўён осойишта бўлиб келган Бобил даҳшатли низолар гирдобида қилди. Мени курашаётган икки партиядан бирининг бошлиғи қилиб тайинлашди. Кадор сизни олиб қелиш учун Мсмфисга жўнади. Бу машъум воқеаларни эшитган Гиркания ҳукмдори Бобилга бостириб кирди. Моабдор душман найзасидан ҳалок бўлди, Мисуфа эса асира тушди. Бахтга қарши мен ҳам чирканликлар қўлига тушиб қолдим ва мени ҳам ҳукмдор олдига келтирдилар. Унинг мени мисрликдан гўзалроқ деб билиши Сизга ҳам хуш ёқар, лекин ҳарбий юришлар тугаши билан ёнимга қайтиб келишини айтиши ғашимга тегди. Менинг изтиробларимни бир тасаввур қилиб кўринг-а. Моабдор билан алоқаларим узилган, мен фақат Загидники бўлишим керак эди, аммо бу ваҳшийнинг қўлига тушиб қолдим. Мен маликалардек

гапирдим, бироқ менга оқсочлардек мұсмала қилдилар. Гирканлик ҳабаш ҳарам оғасига менинг құрса, аммо гүзәл эканлигимни айтди. Ҳукмдор менга муруват күрсатадиган кунга янада мұносиброқ бўлишим учун мен билан маъшуқалари тўғрисида ғамхўрлик қилгандай қайгуришни, асраб-авайлашни ва эркалашни буюрди. Мен унга ўзимни ўлдирман, дедим. У қулиб, бунинг учун хотин-қизлар ўзларини ўлдирмайдилар, бундай дўқ-пўписаларга ўрганиб қолганман деди ва чиқиб кетди.

Задиг ўзини унинг оёқларига ташлаб, кўз ёш тўкди. Малика оҳиста уни кўтарди ва сўзида давом этди:

— Шу тарзда мен варварнинг ўлжаси ва бир хонага қамалган телба аёлнинг кундошига айландим. У менга ўзининг Мисрдаги саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Сизнинг Мемфисда эканлигингишга шубҳа қилмадим ва у ерга қочишга қарор қилдим. "Гўзал Мисуфа,— дедим мен унга,— сизнинг қош-қовоғингиз меникига ишбатан анча очиқроқ, Гиркания ҳукмдорини мендан кўра дурустроқ хурсанд қила оласиз. Менга қочишга ёрдам беринг, кундошдан қутуласиз". Мисуфа рози бўлди ва мени мисрлик қул аёл билан яширинча қочдим.

Биз Арабистон чегараларига яқинлашганимизда, тўсатдан Арбогад мени тутиб олди ва савдогарларга сотди. Ана шу савдогарлар мени жаноб Огул истиқомат қиладиган қаъзага келтирдилар. У мени сотиб олди, аммо кимлигимни билмасди. У фақат мазали овқатлар сийиш ҳақида ўйлар, мен уни лаззатли таомлар учунгина яратилган деб ҳисоблардим. У беҳад бақалоқ эди, бўғилиб ўлиб қолиш касали соғлиғига хавф солиб турарди. Табиб гулобда қайнатиб пиширилган калтаксаккина дардига даъво бўлишига уни ишонтирган эди. Кимки унга калтакесакни келтирса, Огул ўша тутқунга уйланишга вайда берди. Бундай бе маъни бахтнинг менга қизиги йўқ. Сизни учратганим учун Тангрига минг-минг шукроналар бўлсин!

Астарта ва Задиг бир-бирларига қалбларидағи эҳтиросларини "совға" қилдилар. Уларнинг сўзлари, ҳатто Зуҳрогача етди.

Хотинлар яйловдан қуруқ қайтдишлар. Задиг ҳам унинг олдига келди ва деди: Фалик сизга абадий саломатлик ато этсин. Мен табибман. Бетоблигингишни эшитиб, сиз томон югурдим ва сизга атиргул сувида қайнатиб пиширилган

калтакесек олиб келдим. Мен, албатта, сизга турмушга чиқмоқчи эмасман ва шунинг учун сиздан бир нарсан илтимос қилмоқчиман: яқинда олиб келинган бир бобиллик қул аёлни озод этсангиз. Агар мен оламга машҳур жаноб Огулнинг дардини даволаш баҳтига мусассар бўлмасам, мени унинг ўрнига қулликда қолдирсинглар".

Таклиф қабул қилинди. Астартә Задигнинг хизматкори билан Бобилга жўнади. У ерга стиб бориши билан Задигнинг олдига чопар юборишга ва Бобилда бўлаётган воқсалар тўғрисида уни зудлик билан хабардор қилишга вайда берди. Уларнинг хайрлашувлари ҳам худди учрашувларидек мулоим эди. Одамлар бир-бирларини қайта топаётган ва ажралаётган пайтдаги лаҳзалар инсон ҳастидаги иккита энг муҳим даврлардир, дейилади буюк Зардустийлик китобида. Задиг маликага ўз муҳаббати учун онт ичди, малика Задигни қанчалик қаттиқ севишини ифодалай олмади ҳам.

Задиг Огулга деди:

— Амирим, менинг калтакесагимни сийш мумкин эмас, унинг шифобахш кучи сизга майда тешиклар орқали ўтиши керак. Мен унинг терисига ҳаво тўлдириб тикканман. Сиз куч билан уни менга отишингиз керак, мен эса қайта сизга отаман ва бир неча кундан кейин санъатимнинг нақадар кучли эканлигини кўрасиз.

Биринчи кун Огулнинг нафаси тиқилиб, ўладигандай кўринди. Келаси куни у озроқ чарчади ва яхши ухлади. Ҳафтадан кейин унга аввалги кучи, соғлиғи, яхши қайфияти қайтиб келди, гўё ўз умрининг энг яхши даврини қайтадан бошлаган эди.

— Сиз тўп ўйнадингиз, овқатдан ва ичимликдан ўзингизни тортдингиз,— деди унга Задиг.— Билиб қўйинг: табиатда бундай калтакесак йўқ, фақат овқатдан ўзини торта оладиган ва ҳаракатчан кишиларгина соғлом бўладилар.

Бу одамнинг тиббиётдан бсхабарлигини сезгани учун нақадар хавфли эканлигини кўрган бош табиб дори тайёрловчи билан тил биритириб, уни нариги дунёга жўнатмоқчи бўлишиди. Шу тариқа бу ерда ҳам унинг ҳалок бўлишига оз қолди: уни катта бир зиёфатда иккинчи таом билан заҳарламоқчи эдилар, лекин биринчисини еб улгурмаган ҳам эдики, Астартадан чопар келганлитини айтдилар. Задиг ўрнидан турди ва жўнаб кетди. "Кимки гўзал аёл томонидан севилса,— деди буюк Зардўшт,— у бало-қазолардан омон қолади".

ЯККАМА ЯККА ЖАНГЛАР

Бахтсизликка учраган подшоҳларнинг гўзал хотинларини қандай хурсанчилик билан кутиб олсалар, маликани ҳам Бобилдан шундай қарши олдилар. Бобилда тинчлик ўрнатилди. Гиркан ҳукмдори жангда ҳалок этилиб, ғолиб бобилликлар кимни подшоҳ қилиб сайласак, Астарта ўшанга турмушга чиқади, деб эълон қилишди. Улар бу тантанани ҳийла-найрангсиз амалга ошишини истамасдилар. Тахтга ҳам энг жасур ва доно кишини ўтказишга аҳд қилдилар. Шу мақсадда шаҳардан бир неча миль нарида кенг мусобақа майдони бунёд этилди. Даъвогарлар тўлиқ жанговар кийимда келмоқлари лозим эди. Уларнинг ҳар бири учун амфитеатрнинг орқасида алоҳида хона ажратилди. Улар тўрт марта найзада жанг қилишлари, сўнгра ўзаро куч синашишлари керак эди: жанг майдонида қолган сўнгги жангчи туннинг ғолиби саналарди. Яна тўрт кундан сўнг ғолиб сеҳргарлар қаршисида ҳозир бўлмоғи ва уларнинг топишмоқларини топмоғи керак эди. Агар топишмоқларнинг жавобини тополмаса, уни шоҳ қилиб сайлаш мумкин эмасди, мусобақа бошқатдан бошланарди ва ғолиб аниқланмагунча турнир давом этаверарди. Бу пайтда малика қаттиқ назорат остида бўлмоғи керак. Унга фақат бир шарт билан мусобақаларда иштирок этишга рухсат бериларди: унинг юзига чодир тортилган бўлади, ғаразгўйлик ёки адолатсизлик имконини бартараф қилиш мақсадида у даъвогарларнинг биронтаси билан ҳам таплашмайди.

Астарта ана шулар ҳақида севгилисини хабардор қилди ва унинг учун Задиг ҳам энг жасур, ҳам ақдли бўлишга интилади, деб умид қилди. Задиг йўлга отланди, Зуҳро юлдузидан мардлигига мардлик, ақлига ақл қўшишини илтижо қилди. Улуғ кун арафасида Ефрат бўйига стиб келди-да, бошқа исм-шарифда рицарлар рўйхатига ёзилди. Сўнг қоидага биноан, ўзига ажратилган хонага жўнади. Кадор уни Мисрда қидириб тополмагач, Бобилга келди ва малика юборган қуроласлаҳани Задигнинг хонасига етказди. Задиг буларни Астарта юборганилигини тушунди: кучига куч қўшилди, муҳаббати эса янги орзу-умидлар билан қанот қоқди.

Келаси куни, малика қиммат баҳо тошлар билан безатилган чодир остига келиб ўтиргач, амфитеатрлар

Бобил хонимлари, амалдорлар ва шаҳарликлар билан тўлгач, рақиблар майдонга чиқдилар. Ҳар бир жангчи бош коҳинга ўз муҳрини топшириди. Қуръа ташладилар. Задигнинг муҳри энг охирида чиқди. Майдонга биринчи бўлиб Итобад исмли қандайдир бир бадавлат киши чиқди; у ҳовлиқма, бесёнақай ва калтафаҳмоқ одам эди. Унинг ювинидхўрлари сен подшоҳ бўлишинг керак деб ишонтиришар ва у ҳаммавақт: "Ҳа, мендек одам ҳукмдор бўлиши лозим", — деб тақрорларди. Уни бошдан оёқ қуроллантиришганди: олтин қурол-аслахасининг кўк сири қуёшда ярқирав, дубулғасининг кўк парлари шамолда ҳилпирав, наизасини кўк миталар безаб турарди. Унинг отни бошқаришини кўрганлар Бобилнинг салтанат ҳассаси унга насиб этмаслигини дарров англадилар. Биринчи рақиб уни эгардан уриб туширди, иккинчи жангчи от сағрисида оёғини осмондан келтирди. У яна отга ўтириди, аммо эгарда қийшайиб ўтиргани кишиларнинг хаҳолаб кулишига сабаб бўлди. Учинчи рақиб эса, катта наиззани ишлатишни эп кўрмади, Итобаднинг ҳужумига чап бериб, уни ўнг оёғидан тутиб қум устига улоқтириб юборди. Унинг қуролбардорлари кулганларича югуриб келишиб уни яна эгарга ўтказишиди. Тўртингчи рицар Итобадни чап оёғидан олди ва бошқа томонга улоқтириди. Томошабинларнинг қийчуви остида, хонасига кслтиришганларида, у зўрға судраларкан: "Мендек кишига омад кулиб боқмади-я!", — деб афсусланарди.

Бошқа рицарлар ўз вазифаларини яхши бажаришиди. Баъзилари кстма-кет иккита рақибни, баъзилари эса ҳатто уч рақибини мағлуб этишиди. Фақатгина шаҳзода Отам тўрт рақибини ҳам снгди. Ниҳоят Задигнинг навбати келди: у тўртта рицарни фавқулодда чапдастлик билан эгардан уриб туширди. Энди ҳамма нарса икки кишидан бирининг ё Отам, ё Задигнинг голиб чиқишига боғлиқ эди. Отамнинг қурол-аслахаси олтин нақшли, зангори рангда ва бошидаги дубулғаси ҳам зангори эди. Задигники эса оқ рангда эди. Томошабинлар икки гурӯҳга бўлиндилар: бир гурӯҳ зангори рицарга, иккинчиси эса оқ рангдагисига омад тиларди. Малика юраги тўхтаб қолгандай, ўзини лоҳас сезаркан, Задигга омад бер, деб Тангрига илтижо қиласиди. Жангчилар бир-бирларига шиддат билан ташланишар, чаққонлик билан зарбаларга чап берардиларки, маликадан бошқа ҳамма тахтга икки

кишини ўтқазишга рози эди. Ниҳоят, отлар ҳолдан той-иб, найзалар сингач, Задиг айёрликка ўтди: у зангори рицарнинг орқа томонидан отининг устига сакраб, белидан тутди ва ёрга улоқтириб юборди. Сўнгра, эгарга ўтириб олиб, с尔да ястаниб ётган рақибининг атрофида гир айлана бошлади. Бутун майдон: "Ғалаба оқ чавандозники!!— деся ҳайқирди. Дарғазаб Отам ўрнидан сакраб турди-да, қилични суғурди. Задиг ҳам отдан тушиб қиличини олди. Қайтадан жанг бошланди.

Дубулгаларнинг парлари, турли безаклар, совутларнинг халқалари шиддатли зарбалар остида сочилиб тўзиб кетди. Рицарлар ўткир қилич учи ва тифи билан гоҳ чапга, гоҳ ўнгга урадилар, гоҳ бошни, гоҳ кўкракни мўлжалга олардилар, орқага чекиниб, яна яқинлашар, илон сингари эгри-буғри бўлиб кетардилар, шер сигари бир-бирларига ташланардилар. Қиличларнинг зарбаларидан олов чақнайди. Задиг бор кучини йигиб, рақибини срга йиқитди ва уни қуролсизлантириди.

— Эй, оқ рицар!— қичқирди Отам. — Сиз Бобилнинг ҳукмдори бўлмоғингиз керак!

Хурсандликдан маликанинг боши осмонда эди. Оқ рицарни ҳам, зангори рицарни ҳам, тартибга биноан, бошқа даъвогарлар қаторида, ўз хоналарига олиб келдилар. Таом келтирилди ва гунг қуллар уларга хизмат қилдилар. Задигга маликанинг миттивойи хизмат қилди: буни тушуниш осон. Сўнгра уларга эртаси эрталабгacha ўз хоналарида танҳо ухлаб дам олишларига имкон бердилар: ғолиб ўз номини олий коҳинга айтадиган вақт келгунинга қадар дам олиши керак эди. Задиг, чарчоқдан ухлаб қолди. Лекин ён хонадаги Итобаднинг сира уйқуси келмади. Кечаси у ўрнидан туриб, Задигнинг хонасига кирди-да, унинг оқ яроғ-аслаҳасини, муҳрини олиб уларнинг ўрнига ўзиникини қолдирди.

Тонг отгач, Отам олий коҳиннинг ҳузуринга борди ва ғурур билан "— Голиб мендан бошқа ҳеч ким эмас", деди. Бу ҳамма учун ҳеч кутилмаган ҳодиса эди, бироқ қонунга биноан уни ғолиб деб эълон қилдилар. Задиг ҳамон уйқуда эди. Ҳайратга тушган ва ноумид бўлган Астарта Бобилга келди. Задиг уйғонгани пайтда амфитеатр деярли ҳувиллаб қолганди. У зангор қурол-яроғларни кўриб ҳайрон бўлди. Бошқа кийим ўйқ эди. Задиг ноилож зангори кийимда майдонга келди. Амфитеатр ва майдонда қолганларнинг барчаси уни хуштак

чалиб қарши олдилар. Уни ўраб олишди ва ҳақорат қила бошлашди. Ҳеч қачон инсон боласи бундай таҳқирланишни кўрмаган бўлса керак. Ниҳоят, сабр косаси тўлгач, у қўлда қиличи билан ҳақоратчиларни қувишга мажбур бўлди. У маликани кўролмас, фош бўлишидан қўрқиб, оқ қурол-яроғларини қайтариб беришларини ҳам талаб қилолмас эди. Малика ғам-алам билан ўртанаётган бўлса, Задиг ғазаб ва изтироб ўтида ёнарди. У мен толеи паст юлдуз остида туғилганман, деб ўксинарди. "Мана кеч уйғонишининг оқибати,— деди ўзига-ўзи, эртароқ уйғонганимда, Бобил шоҳи ва Астартанинг эри бўлардим. Менинг донишмандлигим, соғдиллигим, жасурлигим ҳар доим менга баҳтсизлик келтирмоқда. У ҳатто тангридан ҳам нолиди, уни дунёни яхшиларга жабр ўтказувчи ва ифлосларга ҳомийлик қилувчи деб аташга тайёр эди. Кулгига сабаб бўлган зангори қурол-аслаҳани бир савдогарга арzonгаровга пуллаб, ўзига халат ва узун қалпоқ сотиб олди. Ана шу либосда Ефрат қирғоги бўйлаб борар экан, уни таъқиб этган тақдирни лаънатларди.

ҚАЛАНДАР

Йўлда кстаётib Задиг оппоқ ва келишган соқоллари белигача тушган қаландарни учратди. Чол диққат билан китоб ўқирди. Задиг тўхтади ва унга чуқур таъзим қила туриб, суҳбатлашиш иштиёқида ундан: "Қандай китоб ўқияпсиз?" деб сўради.

— Бу тақдирлар китоби,— деди қаландар. — Ундан бирон нарса ўқишини хоҳлайсизми?

Задиг китобни олди, аммо кўп тилларни билишига қарамасдан, унинг биронта сўзини ҳам тушунмади.

— Назаримда анча хафа кўринасиз?— деди қария.

— Ҳа, шундай. Бунинг сабаблари кўп,— жавоб берди Задиг.

— Йўқ демасангиз сизга ҳамроҳ бўлмоқчиман. Бундан афсусланмайсиз: мен баъзан дардли юракларга малҳам бўламан. Қаландарнинг юзида, сўзларида олий донишмандлик нишонаси бордай эди. У тақдир, адолат, олий баҳт-саодат, инсоннинг заиф томонлари, зэгулик ва иллат борасида гапиарarkan, Задиг унга нисбатан ўзида енгиб бўлмас интилиш сөзди. У қариядан Бобилга

қайтгунларича ёлғыз ташлаб кетмасликни илтимос қилди.

— Бу муруватни ўзим сиздан сўрамоқчи эдим,— деди қаландар. Оромазд номидан қасам ичинг, мен нима қиласын, бир неча кун давомида мени ташлаб кетмайсиз.

Задиг ваъда берди ва улар биргаликда йўлда давом этдилар. Кечқурун икки сайёҳ ажойиб қальага етиб келдилар. Қаландар бошпана сўради. Катта бир хўжайнинг кўринган хизматкор тақаббурона нигоҳ билан уларни ичкари киритди ва хўжайнинг муҳташам хоналарини кўрсатди. Кечки овқат пайтида уларни столлинг охирига ўтиргиздилар, хўжайнинг уларга парво ҳам қилмади. Ваҳоланки, уларни ҳам бошқалар каби қуюқ зиёфат қилдилар. Юваниш учун уларга зумрад ва ёқутлар билан безатилган олтин тогорада сув, ётиш учун гўзал хонадан жой қилиб беришди. Эртасига хизматкор уларнинг қўлларига бир донадан олтин тутқазди. Шундан сўнг, уларга жавоб бердилар.

— Ўйнинг эгаси,— деди Задиг йўлда,— менимча, бироз кибр-ҳаволи бўлса-да, олижаноб одам кўринади; унинг месҳондорчилиги жуда олиҳимматли бўлди.

Қаландарнинг чўнтағи қаппайиб турарди. Задиг кўзининг қири билан унда олтин тогорани кўрди. Қариянинг қўли эгрилиги уни жуда-жуда ажаблантириди, лекин бирон нарса дейишга журъят этолмади.

Пешинларга яқин қаландар кичикроқ бир уйнинг эшигини қоқди, у срда хасис бой яшаркан, ундан бир неча соатга бошпана сўради. Юпун кийининг кекса хизматкор уларни қўпол қабул қилди: отхонага бошлаб бориб, бир нечта чириган зайдун, панглаган нон ва ачиған пиво келтирди. Қаландар кечагидан кам бўлмаган иштаҳа билан овқатланди, ичди, кейин бошида тик турган кекса хизматкорга ўгирилди-да, иккита олтин танга берди, сўнг хизмат учун ташаккур билдириди.

— Ижозат берсангиз, хўжангиз билан икки оғиз гаплашсам,— деди у охирида.

Ажабланган хизматкор икки сайёҳни унинг ҳузурига киргизди.

— Муруватли жаноб,— деди қаландар,— олижаноб месҳонавозлигингиз учун миннатдорчилигимнинг рамзи сифатида ушбу олтин тогорани қабул қилишингизни сўрайман.

Хасиснинг тиз чўкишига оз қолди. У хушини йиғиб олишга улгурмасданоқ, қаландар ёш ҳамроҳи билан дарров жўнаб кетди.

— Отахон,— деди Задиг,— буни қандай тушуниш мумкин? Сиз ҳеч ҳам бошқаларга ўхшамайсиз, сизни қайил-мақом меҳмон қилган хўжанинг қимматбаҳо тошлар билан безатилган тоғорасини ўғирлайсиз ва уни сизни номуносиб қабул қилган бир хасисга совға қиласиз.

— Ўғлим,— деди қария,— ана у такаббур йўловчиларни фақат мақтаниш ва ўз бойликларини кўз-кўз қилиш мақсадида қабул қиласиди, унинг энди анча ақли кирди, хасис эса меҳмондорчиликни ўрганади. Ҳеч нарсага ажабланманг ва мен билан юраверинг.

Задиг бу одамнинг кимлигини — ўта бсақлми ёки ўта донишмандми — тушунолмай овора эди. Лекин қаландар шундай қатъият билан гапирдики, уни ташлаб кетишга Задигнинг юраги дов бермади, бунинг устига унга ваъда ҳам берган эди.

Кечқурун улар гўзал меъморчилик услубида қурилган, лекин оддий бир уйга стиб келдилар; у ерда исрофгарчилик ҳам, қурумсоқлик ҳам сезилмасди. Уй этаси файласуф бўлиб, турмуш ишларидан узоқлашган, ўзини тўлиқ эзгу ва оқил ишларга бағишлаган, лекин шунга қарамасдан сира ҳам зерикмайдиган киши экан. У бу бошпанани катта ҳафсала билан қурдирган, у ерда ажнабий кишиларни ўзига бино қўймасдан қабул қиласди. Иккала йўловчини унинг ўзи кутиб олди ва уларни ҳордиқ чиқариш учун шинам бир хонага бошлаб борди. Бир оздан кейин уларни озода ва мазали тайёрланган кечки овқатга таклиф қилди, овқат пайтида кейинги пайтларда содир бўлган воқсалар ҳақида вазминлик билан гапирди. Афтидан, у маликага жуда содиқ кўринар ва тожга даъвогар сифатида майдонга Задиг ҳам чиқса, яхши бўларди деб ҳисобларди.

— Лекин одамлар,— қўшиб қўйди у,— бундай шоҳга арзимайдилар.

Бу сўзлардан Задиг қип-қизарив кетди ва ўз баҳтисизликларини янада кучлироқ ҳис қилди. Суҳбатнинг охирида улар яқдиллик билан бу дунёнинг ишлари энг донишманд кишилар хоҳлагандек юз бермаслигини тан олдилар. Қаландар эса доим тақдирнинг йўлларини ҳеч ким билмайди, зигирдай нарса юзасидан бир бутунлик

түғрисида ҳұм миқармоқчи бўлганлар ноҳақ, деб тақорларди. Эҳтирослар түғрисида сўз кетганда:

— Улар нақадар ҳалокатли! — нидо қилди Задиг.

— Эҳтирослар — кемаларниң елканларини тўлдирадиган шамол,— деди қаландар. Баъзан улар кемаларни чўқтирадилар, лекин елканларсиз кема сузолмайди. Сафро инсонни ғаш ва касал қиласди, аммо сафросиз у яшай олмайди. Бу дунёда ҳамма нарса — ҳавфли, ҳамма нарса зарур.

Кайф-сафо түғрисида гапирдилар: қаландар ҳузур-ҳаловат бу оллоҳнинг марҳамати деб исботлай бошлади.

— Бунинг боиси шуки, инсон ўзига ўз ҳиссиётларни ҳам, фикр ҳам беролмайди, бунинг ҳаммасини у олади. Мусибат ва масрурлик, худди ҳаётнинг ўзидек, четдан келади.

Задиг шунча телба-тескари ишларни қилган бу одамнинг соғлом фикрлиларини кўриб ҳайрон бўларди. Ниҳоят, ибратли ва ширин суҳбатдан кейин уй эгаси уларни хонага кузатиб қўйди ва бундай донишманд ва яхши фазилатли меҳмонларни юборгани учун тангрига шукроналар айтди. У шундай очиқ кўнгиллик ва олихимматлик билан пул таклиф қилди, бу билан Задиг ва қаландар ўзларини ҳақоратланган деб ҳисоблай олмасдилар. Қаландар пулни рад қилди ва тонг отмасдан Бобилга жўнайман, шунинг учун сиз билан хайрлашмоқчиман, деди. Хайрлашув жуда илиқ бўлди, бундан хусусан Задиг таъсирланиб, бу одамга ҳурмати ошди ва уни ёқтириб қолди.

Қаландар ва Задиг улар учун тайёрланган хонада қолишгач, уй эгасини узоқ мақтадилар. Тонгда қария ўз ҳамроҳини уйғотди.

— Жўнайдиган вақт бўлди,— деди у Задигга. — Ҳозир ҳамма уйқуда, мен бу одамга унга бўлган ҳурматим ва содиқлигим далилини қолдирмоқчиман. — Шу сўзларни айтиб, у машъалани олди ва уйга ўт қўйди.

Задиг қаттиқ қичқириб юборди ва унга бу даҳшатли ишни амалга оширишга ҳалал беришга шошилди. Бироқ қаландар гайри табиий куч билан уни судраб кетди. Уй олов ичра қолган эди. Ўз ҳамроҳи билан анча узоқлашган қаландар ёнгинга бемалол қараб турарди.

— Худога шукур,— деди у,— хўжамизниң уйи батамом вайрон бўлди! Бахти одам!

Задигнинг кулгиси келди, ҳам қўпол сўзлар билан уни сўкмоқчи, урмоқчи ва ундан қочиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин буларнинг биронтасини ҳам қилмади, ўз иродасига қарши қаландарнинг тароватига бўйсуниб, оҳиста унинг орқасидан сўнгти қўнар жойга борди.

Улар кўнгли юмшоқ ва қимматли бир бева аёлнинг уйига келдилар: беванинг ўн тўрт ёшлардаги, бичими келишган ва унинг ягона умиди бўлган жияни бор эди. Бева аёл уларни меҳмондорчиликнинг барча қоидалариға мувофиқ қабул қилди. Эртасига у жиянига мсҳмоналарни яқиндагина бузилган ва пиёдалар учун хавфли бўлиб қолган кўпприккача кузатиб қўйишни топшириди. Ёш йигитча, шошилиб олдинда борарди. Улар кўпприкнинг устига чиқишиш, қаландар унга деди:

— Яқинроқ келинг, мен аммангизга миннатдорчилик билдиromoқчиман,— бу сўзларни айтишиб, боланинг сочидан тутди ва уни дарёга улоқтириди. Бола сувга ийқилиб, шиддатли оқимда кўринмай кетди.

— Эй шафқатсиз! Инсон зотининг газандаси!— бақирди Задиг.

— Сиз менга бардошли бўлишга ваъда бергандингиз, деди қаландар,— билиб қўйинг, тангрининг иродаси билан уй эгаси харобалар остидан ҳисобсиз бойлик топди, бола бир йилдан сўнг аммасини, икки йилдан сўнг сизни ўлдириши керак эди.

— Ким айтди буни сенга, ёввойи?— қичқирди Задиг.

— Ҳа, агар буни сенга тақдирлар китоби айтган бўлса ҳам, бирон бир ёмонлик қилмаган болани сувга чўқтиришга сенга ким ҳуқуқ берди?

Бу сўзларни айтишиб, бобиллик тўсатдан қариянинг соқоли йўқолганини ва юзининг ёшариб кетганини кўрди. Қаландарнинг кийимлари ғойиб бўлди, тўртта гўзал қанот унинг нур ёғилиб турган баданини бескитди.

— О, самовий элчи! О, илоҳий фаришта!— қичқириб юборди Задиг ер ўпашиб. — Демак, сен заиф хом сут змган бандага абадий қонунларга бўйсунишни ўргатиш учун осмони фалакдан тушдингми?

— Одамлар,— жавоб берди унга фаришта Иезрад,— ҳеч нарса билмасдан ҳамма нарса тўғрисида ҳукм чиқарадилар. Сен бошқалардан кўра кўпроқ илоҳий ваҳийга муносибсан.

Задиг гапиришга изн сўради.

— Мен ўз фаҳм-фаросатимга ишонмаяпман,— деди у,— битта шубҳани бартараф қилишингни сўрасам бўладими: бу болани чўктирмай, уни тўғри йўлга солса ва эзгу ишлар соҳиби қилса бўлмасмиди?

Исзрад эътиroz билдириди:

— Агар у яхши фазилатли киши бўлиб яшайверганида, - тақдир унга уйланадиган хотини ва ундан тўғилажак ўғли билан биргаликда ўлдирилишни тайинлаган бўларди.

— Нима!— деди Задиг,— демак, жиноят ва мусибат муқаррарми? Яхши одамларнинг бахтсизлиги ҳам муқаррарми?

— Бахтсизлик,— жавоб берди Исзрад,— ҳамиша ёзвуларнинг насибасидир: унинг ёрдамида ер юзига ёйилган оз сонли ҳақиқатгўйларни синовдан ўтказадилар.

— Агар умуман разолат бўлмаса ва бу дунёда фақат эзгулик ҳукм сурса нима бўлади?— сўради Задиг.

— Унда,— жавоб берди Иезрад,— бу дунё бошқа дунё бўлган бўларди. Лекин бундай мукаммал тартиб абадий олий мавжудот бўлган жойдагина мумкин; бу мавжудотга разолат яқинлаша олмайди: у бир-бирига сира ўхшамайдиган миллионлаб оламларни яратган, чунки чексиз хилма-хиллик унинг чегараси йўқ қудратининг белгиларидан биридир. Ерда айнан ўхашаш бўлган иккита дараҳт барги, кўз илғамас иккита юлдуз йўқ: сен туғилган кичик заррада кўриб турган нарсларнинг барчаси, ҳамма нарсани қамраб оловчининг тартибларига биноан, ўз жойида ва ўз вақтида бўлмоғи зарур. Одамлар бола сувга тўсатдан тушиб кетди, уй ҳам тасодифдан ёниб кетди, деб ўйлайдилар, аммо тасодифлар йўқ — бу дунёда ҳамма нарса ё синов, ё жазо, ё мукофот, ё олдиндан айтиш. Ўзини дунёда энг бахтсиз деб ҳисоблаган балиқчини эслаб кўргин! Оромазд сени юборди, сен унинг тақдирини ўзгартириб юбординг. Ночор банда, нолимоқни бас қил!

— Лекин...— бошлиди Задиг, аммо бу пайтда фаришта ўнинчи осмонда учиб бораётган эди.

Задиг тиз чўкди ва Тангрига ибодат қилди ва унга бўйсунди.

Фаришта унга қичқирди:

— Бобил томон йўлга туш!

ТОПИШМОҚЛАР

Изтиробда қолган Задиг түғри келган томонга юрарди. У Бобилга даъвогарлар топишмоқларни топиш ва олий коҳиннинг саволларига жавоб бериш учун саройнинг катта залига йигилган кунда кириб келди. Зангари қуроласлаҳдан ташқари ҳамма рицарлар шу ерда эди. Задиг шаҳарда пайдо бўлиши билан уни оломон ўраб олди. Кўзлар унга қараб тўймасди, одамлар уни дуо қилишар, унга подшоликни тилашарди. Ҳасадчи уни кўриб чўчиб тушди ва юзини ўгирди. Халқ уни қўлида кўтариб йиғилишининг эшигигача олиб борди. Маликага унинг келганлиги тўғрисида хабар берганларида, унинг қалби қўрқув ва умид азобида қийналди. У таҳликада қолганди: нима учун Задигнинг қуролсиз эканлигини ва қандай қилиб Итобад оқ яроғ-аслаҳасини қўлга киритганини тушунолмасди. Задиг пайдо бўлиши билан қандайдир тушуниб бўлмайдиган шов-шув кўтарилди. Уни кўриб ҳайрон ва курсанд эди, аммо йиғилишда иштирок этиш фақат мусобақа қатнашчиларига рухсат этилганди.

— Мен ҳам жанг қилганман,— деди Задиг,— аммо бошқа одам яроғ-аслаҳамни кийиб олган, мен буни исботлаш онини кутмоқдаман, шундан сўнг менга топишмоқларни топиш мусобақасида қатнашишга ижозат беришларингизни сўрайман.

Овоз йигдилар: унинг ўта софлиги ҳали иштирокчиларнинг хотирасида эди, шунинг учун илтимосини яқдиллик билан қондирдилар.

Олий коҳин аввал шундай савол берди:

— Дунёда энг узун ва энг қисқа, энг тез ва энг сескин нарса нима, нима осонлик билан чексиз кичик миқдорларга ва чексиз катта миқдорларга ўтади, нимага кўпинча беспарволик билан қарайдилар ва бунга кўп афсусланардилар, нимасиз ҳеч бир ишни бажариш мумкин эмас, ҳамма арзимас нарсаларни ютиб юборувчи ва барча буюк нарсаларни тирилтиргувчи нима?

Итобад биринчи бўлиб жавоб берди: унингдек бир киши бундай топишмоқларда ҳеч нарса тушунмас ва қўлда наиза билан ғолиб чиқса бас эмиш. Баъзилар баҳт ҳақида дейишса, бошқалар — ер, яна бировлар нур ҳақида дедилар. Задиг гап вақт ҳақида бормоқда деди.

— Сабаби,— қўйшиди у.— Дунёда ундан узун нарса йўқ, чунки у чексизлик ўлчови, унда қисқа нарса йўқ,

чунки режаларимизни амалга ошириш учун у стишмайди, кутувчи учун ундан секин, роҳат-фароғатдаги одам учун ундан тез нарса йўқ; у буюклиқда чексизликка эришади ва чексиз кичик бўлакларга бўлинади: одамлар унга бепарводирлар — йўқотгач, афсусланардилар, ҳамма нарса замонда содир бўлади, у номақбул нарсаларни авлодлар хотирасидан ўчириб ташлайди ва буюк нарсаларга абадийлик баҳш этади.

Ҳамма Задигни ҳақ деб тан олди. Шуядан кейин топишмоқ берилди:

— Одамлар миннатдорчилик билдирамасдан нимани оладилар, нимадан ўйламасдан фойдаланадилар, беҳӯшлиқда бошқаларга нима бсраладилар ва ўзлари сезмаган ҳолда нимани йўқотадилар?

Ҳар ким ўз фикрини айтди, лескин ёлғиз Задиггина тўгри жавоб берди: — Бу ҳаёт, деди у. Бошқа топишмоқларга ҳам осонлик билан жавоб қайтарди. Итобод эса мақтанишдан нарига ўтмади. Задиг адлия, олий баҳт, мамлакатни бошқариш санъати юзасидан берилган саволларга ҳам тўгри жавоб берди.

— Афсус, афсус,— дейишарди барча,— шундай закий ёмон жангчи бўлиши мумкинми??

— Эй, машҳур жаноблар!— деди Задиг. — Мен жанг майдонида ғолиб бўлгандим. Оқ қурол-аслаҳа менни. Ухлаб ётганимда, Итобал қурол-аслаҳаларимни ўғирлаб олди. Сизларнинг олдингизда унинг бутун оқ қурол-аслаҳасига қарши битта қилич билан майдонга чиқишга розиман!

Итобад даъватни ўзига ишонган ҳолда қабул қилди. У осонгина ғалабага эришаман деб ўйларди: у жанговар ҳолатда — дубулға совут, зирҳланган снгларда кийинганди, рақиби эса туниги халатда эди. Задиг маликага таъзим қилгач, қиличини ялангочлади; малика унга рўй бсрастган нұрсаларга қувонч ва қўрқув аралаш қараб турарди. Итобад ҳеч кимга бош ҳам эгмасдан қиличини сугурли. У гўё ҳеч нарсадан қўрқмайдиган кишидай, рақибининг бошини чопиб ташлашни мўлжаллаб, Задигга ташланди. Задиг зарбани қайтариб, рақиби қиличининг сопига қилич урди: Итобаднинг қиличи иккига бўлиниб кетди. Шунда Задиг ғанимини қучоқлаб олиб, ерга ағдарди-ла, қиличининг учини совутнинг очиқ жойига тираб, қичқирди:

— Таслим бўлинг, акс ҳолда мен сизни ўлдираман!

Негаат унгали оғир күпининг өмади юришмаганидан ҳайрон бутиб, қаршилик кўрсатмади ва Задиг ундан өманилихотир ўзининг гўзал дубулғаси, ажойиб совути, чиройли қўл зирҳи, ялтироқ пичоқларини ечиб олди, уларни ўзи кийди, ва ана шу кийимда югуриб бориб Астартанинг оёқларига ўзини ташлади. Кадор қурол-яроғнинг Задигники эканлигини осонгина исботлайди ва у бир овоздан подшоҳ қилиб сайланди, бундан айниқса Астарта бағоят сархуш эди, чунки шунча синовлардан сўнг ҳамма Задигни унга муносиб умр йўлдош деб топди. Итобад ўз уйидагиларга унга жаноб деб мурожаат қилишларини буюрди ва шу билан ўзини овутди. Задиг подшоҳлик тожини кийиб, баҳтиёр бўлди. Фаришта Иезрад айтган нарсаларнинг барчасини ёдидан чиқармади. У олмосга айланган қум заррасини ҳам ёдидиа тутарди. Малика билан биргаликда тақдирларига шукроналар айтдилар.

Задиг гўзал ва танноз Мисуфага озодлик ҳадя қилди. Қароқчи Арбогадни топиб, қўшинига қўмондон қилиб тайинлади; ҳалоллик билан хизмат қилса, олий мансабга кўтаришини, йўлтўсарлик билан шуғулланса, осини таъкидлади.

Седок Альмана билан биргаликда Арабистондан чақиритириб олинди ва Бобил савдо ишларининг бошлиги қилиб тайинланди. Кадор хизматига яраша мукофотланди ва унга навозишлар кўрсатилди: у шоҳнинг ягона дўсти бўлиб қолди. Кичик миттивой ҳам унутилмади. Балиқчига чиройли бир уй бердилар, Орканни кўп пул тўлашга, балиқчининг хотинини қайтариб беришга мажбур қилдилар. Бироқ анча ақлли бўлиб қолган балиқчи фақат пулларни олди.

Задигнинг гўё бир кўз бўлиб қолганига ишонган Замира ҳеч таскин тополмасди, Азора эса унинг бурнини кесмоқчи бўлгани учун пушаймон эди. Задиг катта-катта тухфалар билан уларнинг изтиробини юмшатди. Ҳасадчи хусумат ва шармандаликтан ўлди. Давлат роҳат-фарогатда, шону-шуҳратда ва тўқчиликда яшади. Бу ср юзининг энг гўзал аспи эди: унга адолат ва муҳаббат раҳнамолик қиласди. Ҳамма Задигни дуо қиласди, Тангрига шукроналар айтарди.